

## ОЛТИН ОЙКУМЕНА

Бир томондан турли маданиятларнинг кириб келиши, алмашиши, тўқнашишидан мия чалғиб, барқарор мафкурага эга бўла олмаган, иккинчи томондан, “чақирилмаган меҳмон”ларнинг хизматидан қўли бўшамаган аждодларимиз дўппини ёнига олиб қўйиб, ўзи ҳақида бафуржа ўйлашга фурсати етмаган.

**2 -бет**

## Аллоҳ назари тушгани рост бўлсин

“Вояга етган қизнинг алласини эшитган эмасмиз”, деб эътироз билдиради муаллиф. Ҳали норасида қизалоқларнинг жажжи қўғирчоғини ювиб-тараганини, беланчагига ётқизиб “ухлатганини” кўрганмисиз?

**7 -бет**

## БОШПАНАСИЗ ТЕАТРДА ЯНГИ СПЕКТАКЛ ҚЎЙИЛДИ

- *Инсонлар “нафс” дарси билан имтиҳон қилинади*
- *... акамми, отамми уриб, оёқларимни синдириб ташласа, рози эдим*
- *Чингиз Айтматов асаридаги манқуртга айланиб қолганмиз*
- *Ҳаёт — бешик ва тобут орасидаги бир йўл ва йўлчиликдир*

**8 -бет**



Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№11-12 (317-318) 2003-yil 19-mart


**ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ**

1 АҚШ $ — 968,92 сўм

1 ЕВРО — 1047,60 сўм


**«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!**

Газетамизга обуна давом этмоқда.

**Нашр кўрсаткичимиз:** Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.


*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,*
*Чаман сарви яшил хилъат менинг сарви равоним ҳам.*
*Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим, қилиб жавлон,*
*Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.*

Алишер **НАВОИЙ**

**Сана**

# ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛГАН АЙЁМ

Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатадиган анъана ва маросимлари, урф-одат ва байрамлари бор. Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқнинг юксак ижодий салоҳияти туфайли сайқалланиб келган ана шундай анъаналар аслида ўша миллатнинг ўзлигини, менталитетини, миллий қиёфасини белгилайди. Зеро, ҳар бир миллат ўз боболарининг тафаккур сарчашмасидан баҳра олган миллий анъаналар тизимининг беқиёс руҳий-маънавий қувватидан куч олиб тараққий этади, ривожланади. Икки азим дарё оралиғидаги шу муборак заминда ўзига хос қадимий маданиятни бунёд этган халқимизнинг эзгу ва ҳаётбахш анъаналарини ўзида мужассамлаштирган Наврўз байрами ҳам ана шундай бетакрор бадиий қадриятдир.

Асрлар давомида халқимиз дилига ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, мўл ҳосил ва қут-барака ғоясини сингдириб келган бу фусункор шодиёна яшариш ва янгиланиш, руҳий покланиш ва ҳаётнинг боқийлигига иймон келтириш тантанаси ҳисобланади. Наврўз йил янгиланадиган, табиат уйғонадиган, деҳқонлар ва чорвадорлар учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган, эзгу орзулар чаманидаги навжувон ниҳоллар чинордек бўй чўзадиган ажиб бир даврда нишонланади. Бу байрам она заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан лаззатланишга, оппоқ гуллаган ўрик шохларию қоқигулларнинг зарғалдоқ ғунчаларидаги бетакрор гўзаллигини дилда жо этишга ўргатади. Йил боши ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр ям-яшил қирлар бағрига қизғалдоқлар алвон бўлиб сочиладиган фараҳбахш кунлар кўз олдимизга келаверади. Чунки улуғ юртдошимиз Абу Райҳон Берунийнинг таъбири билан айтганда, “қуёш ва ой фалакнинг икки кўзи бўлгани сингари Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир”.

Наврўз байрами бобо деҳқонларимиз мўл ҳосил олиш ниятида она Заминга барака уруғи қадайдиган, чўпон-чўлиқлар эса кўклам ёмғиридан баҳра олиб яшнаган ям-яшил ўтлоқларга қўй-қўзиларини ёядиган саодатли кундир. Халқимиз ўзлигини танибдики, янги йилни баҳорий тенг кунликдан бошлашга, қуёш ҳамал буржига кирадиган кунни байрам қилишга одатланган. Фасллар алмашинадиган, йил янгиланадиган, диллар яйрайдиган бу шодиёна халқимиз ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, у билан боғлиқ дилрабо куй ва қўшиқлар, афсона ва ривоятлар, удум ва одатлар келиб чиққан. Шунинг учун ҳам Наврўз фақатгина йил боши байрами эмас, айни пайтда зукко аждодларимизнинг беқиёс тафаккур дурдоналарини ўз ичига қамраб олган маънавий қадрият ҳамдир. Қадим аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор амаллари, самовий ёритгичлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг сарзамини вазифасини ўтаган эътиқодий қарашлар Наврўз байрамининг юзага келишига асос бўлган. Манбаларда қайд қилинишича, бизнинг аждодларимиз қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини жуда яхши билганлар. Энг қадимги даврларда йил даставвал икки қисмга, ёз ва қиш фаслларига бўлинган бўлиб, ана шу фаслларнинг ўрин алмашиш муддати муҳим ҳаётий аҳамият касб этган. Чунки қишнинг аёзли, изғиринли кунлари тугагач, набот ва ҳайвонот олами уйғонадиган, дов-дарахтлар барг ёзиб, замин ям-яшил либос киядиган иссиқ кунлар бошланган. Шу боис боболаримиз кўкламнинг ҳар бир аломатида эзгулик тимсолини кўрган. Табиатда рўй берган янгиланиш ва тозариш жараёни инсон руҳий дунёсига ҳам покиза эпкин олиб киради. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, боболаримиз Наврўздан кейинги ойни “улуғ ой” ёки “улуғ ўғлоқ ой” деб атаганлар. Бу эса Йилбоши байрами қадим замонлардан бери кенг тантана қилиб келингани, Наврўздан кейин бошланадиган янги меҳнат мавсуми кишиларга катта маънавий қувват бахш этганлигини кўрсатади.



Аждодларимиз учун заминни нурга чулғайдиган қуёш, ризқи рўз манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва боқийлик, ҳаёт тимсоли ҳисобланган сув ҳамда олов мўътабар саналган. Шунинг учун ҳам улар ўз уйларининг эшигини қуёшга қаратиб очганлар. Эрта тонгда чиқаётган қуёшга, тунда эса тўлин ойга уч марта эгилиб ўз эҳтиромларини ифода этишган. Шуниси қизиқки, Ўрта Осиёнинг айрим жойларида Наврўз куни уй деворига доирасимон шаклларни чизиб қўйиш одати XX асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолган экан. Шубҳасиз, бу доиралар қуёш тимсоли ҳисобланган ва Наврўз байрамида кун билан тун тенглашишига ишора вазифасини ўтаган.

Зеро, Абу Райҳон Беруний ҳам Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, “айтишларича, шу куни Худо фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёритгичлар (сайрдан) тўхтагандан кейин уларни сайр эттириб юборган. Қуёшни яратган, ниҳоят, у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган”лигини қайд қилган эди. Бу эса Наврўзнинг келиб чиқиши қуёш культи ва само ёритгичларини кузатиш анъанаси билан бевосита алоқадорлигини тасдиқлайди. Самовий жисмлар ҳаракати ва фасллар об-ҳавосидаги ўзгаришларни яхши биладиган билгич ҳисобдонлар баҳорий тенг кунликнинг дохил бўлиш муддатини бехато айтиб бера олишган. Чунки астрономик билимлар хийла эрта тараққий этган мамлакатимизда вақт ҳисобини юргизишнинг бир неча хил усуллари мавжуд бўлган. Ҳисобдонлар орасида қуёшнинг йиллик ҳаракатини кузатишга асосланган “шамсий тақвим”, ой фазаларининг муттасил ўзгаришини ифодаловчи “қамарий тақвим” ва Ҳулкар юлдузининг ҳаракати йўналишидаги кесишув нуқталарини белгиловчи “тўгал ёки тўқуш ҳисоби”, ўлкамиздаги дарёлар сатҳининг кўтарилиб тушишини кузатувчи “тошув ҳисоби”, экинларни экиш, парваришлаш ва ўриб-йиғиб олиш муддатларини ўз ичига олган “юз ҳисоби”, қушларнинг кузда иссиқ ўлкаларда қишлаш учун учиб кетиши ва кўкламда яна юртимизга қайтиб келишини кўрсатувчи “қуш қайи ёки долға ҳисоби” жуда машҳур бўлган. Бундан ташқари, халқимиз орасида мучал ҳисоби, деҳқон ҳисоби, чорва ҳисоби, тўқсон ҳисоби, чилла ҳисоби, “юлдуз ҳисоби”, “қамбар тўгал” ҳисоби ҳам амалда қўлланилган. Ана шу далилларнинг ўзи бизнинг аждодларимиз қуёш ва ой манзиллари, юлдузлар ҳаракати, табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари ва муддатларини кузатишга асосланган юксак фенологик билимга эга бўлганликларини кўрсатади. Элнинг меҳнатига эш бўлиб келган Наврўз байрами аждодларимизнинг қадимги деҳқончилик маданияти, эзгуликни улуғлаш ва яратувчилик ғоясига асосланган ҳаётбахш анъаналари асосида келиб чиққан.

Наврўз байрамининг айнан кўкламги тенг кунликда, қиш ва баҳор алмашиғида, бутун борлиқ уйғонадиган фароғатли дамда тантана қилинишининг муайян табиий-илмий асослари бор, албатта. Абу Райҳон Берунийнинг қайд қилишича, Наврўз “бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунича, ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунигача давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”. Табиат ва жамиятдаги янгиланишни ўзида ажойиб тарзда мужассам этган Наврўзи олам халқимиз дунёқараши ва бадиий тафаккурининг ҳар бир ютуғидан куч олиб, асрлар оша тўлишиб, янгиланиб, такомиллашиб келаверган.

*(Давоми 5-бетда).*

**Садо**

## ОҒРУШУМ ОЙТАК ЧЕЧАКЛАР

Носируддин **РАБҒУЗИЙ**

*Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи,*
*Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори бузи.*

*Кун келду минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,*
*Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.*

*Тонг отарди эснаюр тўрт булунгдин шамол, зиё,*
*Кин тузар киндик йипор йизланур ёбон ёзи.*

*Ёрлиги епгун — бағирдин обуғи ёшил, қизил,*
*Ораси буток, ябурғоқ, тол чечаклар туб тузи.*

*Ўрласа булутлари гулчирар боғу бўстон,*
*Тол йиғочлар енг солишур ўйнаюртек қўй-қўзи.*

*Киршани қор қани энглик боқса тоғлар сурати,*
*Тўнглиқи тангсуқ йипордин Рум хитой атлас, чузи.*

*Лола сағроқин ичарда сайрар усруб сандувоч,*
*Турна ун тортиб ўтарда сакрашур бiқлан қўзи.*

*Кўкда ўйнар қўл солишур қуғу қоз қил қарлуғоч,*
*Ерда югруб жуфт олишур ос, тийинг, киш, қундузи.*

*Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,*
*Қумри, булбул муҳри бўлиб ун тузар тун кундузи.*

*Яғиз ер, кўк менгизлик яшнаюр майдон бўлиб,*
*Оғрушум ойтак чечаклар теграсинда юлдузи.*

*Ҳури ин ужмоқ ичинда енг солиб таҳсин қилур,*
*Ёз уза мундоғ ғазаллар аймишда Носир Рабғузий.*

**Хабар**

Ўзбек давлат Миллий академик драма театрида ТошдавТИ шифохоналари тиббиёт билим юрти ташаббуси билан “Обод маҳаллада соғлом авлод яшайди” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Собир Раҳимов тумани “Хислат” маҳалласи ҳамда “Камолот” ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда билим юрти ўқитувчилари, талабалар ва маҳалла фаоллари иштирок этишди. Билим юрти директори Гулнора Орипова тадбирни кириш сўзи билан очди.

## ОГОҲЛИК

Сўзга чиққанлар гиёҳвандлик иллати ҳақида гапириб, ёшларни ҳушёр бўлишга чақирдилар. Бу иллатга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш кераклиги уқтирилди.

— Тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ёшларимизни яна бир карра огоҳ бўлишга, оқ-қорани ажрата билишга чақириш эди. Ўйлаймизки, бу каби тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб туриши ёшларга ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутади, — деди билим юрти директор ўринбосари Гулузра Мусаева.

Шунингдек, кеча мазкур билим юрти раҳбарлигида Собир Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб интернатида халқимизнинг азалий байрами Наврўзга аталган “Наврўз — умумхалқ байрами” мавзусида хайрия тадбири ҳам бўлди. Мухтабар опа Сиддиқова ташаббуси билан ҳар йили анъанавий ўтказиладиган хайрли тадбир сўнгида ногирон болаларга эсдалик совғалари топширилди.

Билим юрти талабалари томонидан саҳналаштирилган концерт дастури тарбияланувчиларни хушнуд этди.

**Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ**



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**«ҲУРРИЯТ» газетаси Бош муҳаррири ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раиси, таниқли журналист Амирқул КАРИМОВ «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси вазифасига ишга тайинланди. Ана шу муносабат билан ҳамкасб дўстимизни янги вазифа билан қутлаймиз, халқимизнинг олтин меросини асраб-авайлаш, тарғиб этиш борасида билдирилган юксак ишончни оқлашига омад тилаймиз.**

**«Ҳуррият» газетаси ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази жамоалари**

**Мусобақа**

# «СЎЗЛАР ЎХШАШ ШОҲМОТ ДОНАЛАРИГА...»

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси журналист-адиблар ўртасида анъанавий шоҳмот мусобақасини ўтказди. Халқимизнинг қадимий Наврўз байрамига бағишланган мазкур мусобақага “Ҳордиқ” газетаси ҳомийлик қилди. Ақл-заковат ўйинини нафақат ижодкорлар, балки халқимиз ўртасида янада оммалаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган республика Шоҳмот федерацияси мусобақанинг ташкилий жиҳатларини ўз зиммасига олди.

Ижодкорлар ўртасидаги шоҳмот мусобақаси ҳамиша кўтаринки кайфиятда ўтади. Ҳазил-мутойибаларга ижодий режалар уланиб кетади. Бу галги мусобақа ҳам шундай бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, шоир Саъдулла Ҳаким шоҳмотга бағишланган шеъридан парча ўқиди:

***Сўзлар ўхшар***
***шоҳмот доналарига —***
***Мантиқ — ҳар***
***иккиси учун пок либос.***
***Аспнинг бўлганидек***
***саккиз юриши***
***Сўзга ҳам камалак***
***товланиши хос.***

“Шеърнинг қолганини эсимга тушганда ўқирман”, — деди шоир камтарлик билан. “Саъдулла ака, ўн бир йил илгари ёзган шеърингизнинг қолганини эслагандан кўра шоҳмотга бағишлаб янгисини ёзганингиз яхшироқ”, — деган луқма барчада кулги уйғотди. Дарҳол шоҳмотга бағишланган шеърий асарлар эсга олинди. “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Озод Шарафиддинов қалмоқ шоири Давид Қуғултиновнинг “Шоҳмотчи” достони ажойиб ёзилганини таъкидлади ва журналда чоп этиш учун шоҳмотга оид асарлар ҳам тайёрланаётганини айтди...

Бу йилги мусобақаларга ижодкорларнинг тажрибасини ошириш мақсадида спорт усталигига номзодлар — Акром Тошхўжаев ва Улуғбек Элбеков ҳам таклиф этилди. Холисанлиллоҳ айтсак, улар ижодкорлар учун бегона эмас. Акром Тошхўжаев узоқ йиллардан буён Ўзбекистон телевидениесида шоҳмот кўрсатувларини олиб боради. Улуғбек Элбеков эса мана чорак асрки, “Правда Востока” газетасининг шоҳмот шарҳловчиси. Яна Улуғбек ака севимли адибларимиздан бири Элбекнинг ўғли, шоҳмот сирларини Фитрат домладан ўрганган. Бунинг устига у XX асрнинг 30-40-йилларида Фитрат, Чўлпон, Элбек каби зиёлиларимиз ўртасида мунтазам ўтказиб турилган шоҳмот “гап”ларининг шоҳиди бўлган. Аслида, ижодкорлар ўртасидаги мусобақа халқимизда қадимдан ўтказиб келинаётган шоҳмот “гап”ларининг ривожланган шаклидир.

Адабий асарлар кунда эмас, кунида ёзилганидек, ижодкор шоҳмотчилар илҳом келганида ҳеч қайси рақибини аяб ўтирмаслиги билан бошқа мусобақалардан ажралиб туради. Бир-икки ютқизиғидан оғриниб турган Саъдулла Ҳаким нақ Акром Тошхўжаевнинг ўзини таслим қилиб, хумордан чиқди! “Шоҳмотни ёшликда ўйнаган яхши экан”, — деб турган “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири ўринбосари, шоир Мирпўлат Мирзо мусобақада пешқадамлар қаторида бораётган Озод Шарафиддиновни раҳбарим дея сийлаб ўтирмади. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад эса Раҳматилла Иноғомов Ўзбекистон Миллий Университетида бизга дарс берганди-ку, деган хаёлга бормай, устозини мағлубиятга учратди. “Маърифат” газетасининг ёш мухбири Ҳусан Нишоновнинг юзма-юз учрашувида тажрибали журналист, “Мулкдор” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Тоҳир Мирҳодиев “ҳурмат” сақламаганига нима дейсиз? “Қишлоқ ҳаёти” газетаси мухбири Суннат Саъдуллаев эса мусобақа ғолибини аниқлашда профессионал шоҳмотчиларга рақиблик қилиши мумкин, дея баҳоланган “Халқ мероси” нашриёти етакчи муҳаррири Асрор Мўминовнинг зафарли одимини тўхтатди. Ёзувчи Баҳодир Муродалиевнинг “беодоб”лиги ҳамманикидан ошиб тушди. У ўтган йилдагидек, Озод акани яна хатосидан фойдаланиб енгди. Хайрият, ижодкорлар ўртасида муросаи мадорани унутмаганлар ҳам бор экан. “Хабар” газетаси бош муҳаррири Шодмон Отабеков қўшниси шоир Носир Муҳаммад билан вазиятни чигаллаштирмасдан битим тузди. Ахир, йилда бир марта бўладиган мусобақа икки кунда ўтади-кетади, қўшни эса кунда керак.

Одатда шоҳмотни еттидан етмиш ёшгача бўлганлар ўйнайди дейишади. Лекин Озод Шарафиддиновнинг етмиш тўрт ёшда Улуғбек Элбековнинг 81 ёшда эканлигини ва ҳар бир ижодкорнинг мусобақада тиришиб ўйнаётганини кўриб, шоҳмотнинг ёш ҳам, касб ҳам танламаслигига яна бир карра иймон келтирдик. Айниқса, Озод аканинг Асрор Мўминов билан ўтказган ўйинидаги нафис юришлари барчани бирдай лол қолдирди. Мазкур ўйинда А. Мўминов узоқ тайёргарликдан кейин 23-юришда пиёдасини қурбон қилиб ҳужумга ўтди. Қийин вазиятда Озод ака аниқ ҳимояланди. Аввал битта пиёдасини қурбон қилиб ҳам “ўйиндан ташқари ҳолатда қолган” филни ўйинга киритди, ҳам биттадан руҳнинг алмашишини таъминлади. Кейин 34-юришда яна битта пиёдасини қурбон қилиб, иккинчи руҳларни мажбурий равишда “жанг”дан чиқарди. Натижада, ҳар хил рангдаги филлар эндшпили юзага келди. Бу назарий жиҳатдан дуранг деганидир. Улуғбек Элбековнинг деярли ҳар бир ўйинда аввал нозик оралиқ юришларини қилиб, кейин асосий зарбани бергани ижодкорлар таҳсинига сазовор бўлди.

Хуллас, ижодкорлар мусобақасида нафақат ҳар бир очко, балки ярим очко ҳам кескин курашлардан кейин қўлга киритилди. Шу боис ижодкорлар мусобақа якуний жадвали чиқарилишини сабрсизлик билан кутишди. Барча кутганидек, мусобақада 14 ўйиндан 12 тадан очко тўплаган У. Элбеков ва А. Тошхўжаев 1-2-ўринларни бўлишиб олишди. 10,5 очко жамғарган А. Мўминов эса 3-ўриндан жой олди. Б. Муродалиев 10 очко билан 4-ўринни банд этти. Бу галги мусобақада бир оз омади юришмаган О. Шарафиддинов 9 очко тўплаган ҳолда 5-ўрин билан кифояланди. Агар Озод аканинг ҳозирги кунда ғайрат билан ижод қилаётганини назарда тутсак, у кейинги шоҳмот мусобақасидаёқ юқори ўринларга муносиб эканлигини исботлашига ишончиимз комил. 6-ўрин Р. Иноғомовга насиб қилди. Бу ижодкорлар “Ҳордиқ” газетасининг совғалари билан тақдирланишди. Бошқа қатнашчилар фахрли 7-ўринни эгаллашди. Зеро, бу мусобақада қандай натижа кўрсатиш, нечанчи ўринни эгаллаш унчалик аҳамиятга эга эмас, муҳими, ҳамкасблар билан дийдорлашиш, ақлни чархлаб ҳордиқ олишдир.

— Икки кун шоҳмот ўйнаб, роса мириқиб ҳордиқ чиқардик, — деди кимдир мамнун.

— Жамғармамиз ва “Ҳордиқ” газетаси бор экан, ҳали кўп бор шундай мириқиб ҳордиқ оламиз, — деди бошқа бири ҳозиржавоблик билан.

Ҳа, сабрсизлик билан кутилган, қувноқ кайфиятда бошланган, кўтаринки руҳда ўтган навбатдаги шоҳмот мусобақаси ана шундай ойдин тилаклар ила ниҳоясига этди.

**А. БЕК**

**Қадрият**

# Ҳашаринг бор бўлсин, ўзбегим

Халқимнинг ажойиб удуми бор-да, ҳашар деган. Биласиз, шу куни юрагида юртига бўлган муҳаббати алангаланиб турган ҳар қандай киши борки, қўлида кетмонми, паншахами кўтариб, оломонга қўшилади. Саҳардан то шомгача тер тўкади-ю, миннат қилмайди. Кимдир ариқ, яна кимдир йўл четини тозаласа, бошқалар мевали ва манзарали дарахтлар шохларини тартибга келтирган, оҳак суртган... Хуллас, қиламан деганга иш топилаверади.

15 март — умумхалқ хайрия ҳашари куни деб белгиланди. Аслида баҳорнинг илк кунлариданоқ ўз ҳовлисини, гузарлару кўчаларни тозалашни бошлаб юборган одамлар ҳашарда ҳам ғайрат қилишди. Турли давлат-нодавлат ташкилотлари, уюшмалар, жамоа хўжаликлари, бадиий-адабий муассасалар вакилларидан тортиб, олий ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқувчиларигача жами — 10 миллион 300 минг нафарга яқин фуқаро умумхалқ ҳашарида иштирок этди. Улар 80 миллион туп мевали-мевасиз дарахтлар экилишида, минглаб километрдаги ариқлар ҳамда йўлларни тозалашда жонбозлик кўрсатишди.

Умумхалқ ҳашарини кўтаринки руҳда ўтказиш ниятида жойларда турли хил тадбирлар уюштирилиб, ош тортилди. Кўпгина корхона ва ташкилотлар ходимлари шу кунги иш ҳақларини шундоғича “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборгани ва бу маблағ бугунга келиб 400 миллион сўмдан зиёдроқни ташкил этганини эшитиб, ҳар кимнинг юраги энтикиб қўйса ажабмас.

Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси раиси А. Гадойбоевнинг таъкидлашича, жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушаётган маблағнинг тийин-тийинигача маҳаллаларимиз ободончилиги, кам таъминланган, қаровсиз қариялар, ногирон, етим-есирларга, жойларда ёшлар спортини янада ривожлантиришга сарфланади. Маъракаю маросимлар ўтказишда бироз қийналиброқ турган оилаларга ҳам ана шу маблағ ҳисобидан ёрдам кўрсатилади.

Қаранг, ўз меҳнати ҳамда бир кунлик иш ҳақи билан қўшнисига, ҳов нариги қишлоқнинг чеккасида яшовчи бевабечорага ёрдам бераётганини пеш қилмаган ўзбек халқи шаънига муносиброқ сўз тополмаётганимдан хижолатдаман. Фақат биргина гап: ҳашаринг бор бўлсин, ўзбегим!

**Дадахон БОСИТ**

# «Қаршинон саноати»

**очиқ ҳиссадорлик жамияти**

*жамоаси халқимизга Наврўз тилакларини изҳор этар экан, хонадонларимизга тандир нонининг ҳарорати билан қут-барака ва маъмурчилик кириб боришини истайди.*

# «ЗАМИН» БАНК

**давлат-акциядорлик ипотека банки**

*жамоаси Ўзбекистон аҳлини янгиланиш ҳамда яшариш айёми – Наврўзи олам муносабати билан самимий қутлайди.*

*Она заминимиздаги
тинчлик-барқарорлик,
дастурхонимиздаги
тўкин-сочинлик абадий
бўлсин!*

# ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛГАН АЙЁМ

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

X асрнинг улуғ муаррихи Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" номли асарида келтирилган бир далил Наврўз байрамининг ёши тўрт минг йилдан ортиқроқ эканлигини исботлайди. Наршахий бухороликларнинг кўҳна удумларидан бири хусусида ҳикоя қилар экан, бундай ёзади: "Сиёвуш бу ерда (яъни Бухорода) ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилди ва кўпроқ вақт ўша жойда турар эди. Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди ҳамда шу ҳисорда шарқий дарвозадан кираверишдаги "Дарвозаи ғўриён" деб аталувчи сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дафн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўядилар. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари ҳам бор бўлиб, у барча вилоятларда машҳурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтганлар. Қўшиқчилар уни "оташпарастлар йиғиси" дейдилар. Бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди".

Агар ҳассос муаррих "ҳозир" деганида ўзи яшаган X асрни назарда тутганлигини, ўша замондаёқ Наврўзи олам уч минг йилдан ортиқроқ ёшга кириб қолганлигини эътиборга олсак, минг йиллар оша халқимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиб келган бу фусункор шодиёна ўлкамизда тўрт-тўрт ярим минг йил давомида кенг нишонланганлиги маълум бўлади.

Наршахийнинг Наврўз тарихига доир юқоридаги қайдномаси ишончли эканлигини тасдиқлайдиган яна бир далил бор. "Девони луғотит турк"нинг муаллифи Маҳмуд Қошғарий "ўз" сўзига изоҳ бераётиб, қуйидаги маълумотни беради: "Бутун Мовароуннаҳрни туркийлар ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Янкандан бошланади. Унинг бир оти Дизруйиндир. У сариқлигига кўра, мис шаҳри демакдир. Бу Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи — Қазвиннинг эри Сиёвуш ўлдирилгандир. Мажусий — оташпарастлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, Сиёвуш ўлган жой атрофида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одатлари шундай". Бу ўринда ҳам Сиёвуш дафн этилган жойда ҳар йили Наврўз куни ўтказиладиган анъанавий маросим тўғрисида сўз бормоқда. Бизнингча, Маҳмуд Қошғарий ҳам "ҳар йили бир кун" деганда айнан йил бошини назарда тутган.

Наврўз байрами Сиёвуш билан алоқадорлигининг боиси шундаки, қадимги аждодларимиз мифологиясида Сиёвуш ўлиб-тирилувчи табиат тимсоли деб қаралган. Йил боши шодиёналари ҳам маълум маънода, кузда рамзий маънода "ўлган" табиатнинг кўкламги "тирилиши"нинг нишонланиши ҳисобланган.

Чинлик муаррихларидан бири Вэй-Цзе қадимги самарқандликларнинг Наврўзи ҳақида бундай ёзган: "Олтинчи ойнинг биринчи куни уларда йилбоши ҳисобланади. Ўша куни подшо ҳам, халқ ҳам ўзларининг янги либосларини киядилар, соч-соқолларини олдиришади. Улар шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги бир дарахтзор ёнидаги майдонда тўпланишиб, байрам қиладилар. Етти кун мобайнида моҳир тирандозлар от чоптириб туриб, ўз камонларидан нишонни мўлжаллаб ўқ отиш баҳсида қатнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнида олтин танга қўйилади ва ушбу нишонни бехато урган қирағай мерган бир кун шоҳлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар кўк тангрини мўътабар тутадилар ва унга ўз эҳтиромларини ифода этадилар. Айтишларича, илоҳий маъбуд еттинчи ойда ҳалок бўлган ва унинг суяклари йўқолгани боис, бу маъбуд культига топинувчи одамлар ҳар йили ўша ойнинг бошида қора кийим киядилар, далаларда яланг оёқ йиғлаб юриб, маъбуднинг хокини ахтарадилар. Еттинчи куни йилбоши байрамининг тантаналари ўз ниҳоясига етади".

Наврўз байрами ўз таркибига бойчечак, лола, қизилгул, қизғалдоқ билан алоқадор "гул сайллари", йилнинг охирги чоршанбасида ўтказилган "охир чоршанба" удуми, ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган "ҳашар" анъанаси, йилбоши арафасида қилинадиган "қозон тўлди" удуми, илк кўкламда далага биринчи марта қўш чиқариб, дон экиш одати — "шох мойлар" маросими, етти хил дондан "Наврўз гўжа" пишириш ҳамда етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш одати, арғимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учириш, қўчқор, хўроз, туя уриштириш анъаналарининг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари ётади.

Наврўз байрами тантаналари қадим-қадимдан кўпкари, қўчқор уриштириш, туя уриштириш, кураш каби халқ ўйинларисиз ўтмайди. Йилбоши билан боғлиқ бу анъананинг тарихи жуда олис замонларга бориб тақалар экан. Қадимги Чин муаррихлари қаламига мансуб "Тан сулоласининг тарихи" деб номланган манбанинг Фарғона тавсифига бағишланган фаслида қуйидагилар битилган: "Ҳар йили янги йил байрамида шоҳлар ва қабила сардорлари икки гуруҳга бўлинадилар. Ҳар тарафдан бир баҳодир ўртага чиқади ва олишадилар. Иккала томон қийқириқ ва шовқин-сурон билан ўз баҳодирини қўллаб-қувватлаб туради. Ботирлардан бирининг қўли баланд келгач, жангни тўхтатадилар ва шунга қараб келаётган йилнинг ҳосили мўл ёки камҳосил бўлиши башорат қилинади". Қадимги Ҳиндистонда ҳам ҳар йили баҳорда кўклам қуёшининг ғалабасини шарафлаш мақсадида камондан ўқ отиш мусобақалари ўтказилган экан. Наврўз байрамида қўчқор, туя ва хўроз уриштириш баҳсининг ўтказилиши аслида қут-барака ва мўл ҳосил тилаш ғояси билан боғланади.

Йилбоши байрами куни қиз-жувонлар боғлардаги азим ўрик дарахтларининг шохларига арқон солиб ҳалинчак ясайдилр ва навбатма-навбат ҳалинчак учадилар.

Халқ қарашларига кўра, Наврўзда ҳалинчак учган кишининг йил давомида билиб-билмай қилган гуноҳлари тўкилармиш. Ҳатто нуроний момолар ҳам "охирлигимиз тўкилсин", деб арғимчоққа ўтиришади ва набиралари эса "момомизнинг ёшига етайлик" деган эзгу ниятда арғимчоқнинг ипидан тутиб ҳаракатлантирадилар. Турмушга чиққан қизлар, фарзанд кутаётган келинчаклар арғимчоқни баландлатиб, ҳаволатиб учишга ҳаракат қиладилар. Улар ҳар гал шўх кулги билан дарахтнинг энг баланд шохидан баргча узиб олишга интиладилар. Дарахтнинг энг баланд шохидаги оппоқ гуллар орасидан эндигина бўртиб чиққан япроқни узиб олишга муваффақ бўлган кишининг жамики ниятлари амалга ошади, деб умид қиладилар.

Халқимизда Наврўз арафасида ёққан ёмғир "оби раҳмат" деб аталади. Айтишларича, йил бошига бир-икки кун қолганида ёмғир ёғса ўша йил баракали ва серҳосил келар экан. 1982 йилда лақай ўзбекларнинг фольклорини ўрганиш мақсадида Жанубий Тожикистонда илмий экспедицияда бўлганимизда "оби раҳмат" ёмғири билан боғлиқ бир удумни ёзиб олган эдик: Наврўз арафасида ёки йилбоши тантаналари куни ёққан ёмғирдан кейин камалак пайдо бўлса, одамлар ўша камалакка қараб сув сепишар экан. Шундай қилинса, етти хил рангли камалак янги йилда бахт, омад келтирармиш.

Наврўз байрами тантаналарида етти рақамига алоҳида эътибор берилади: Наврўз арафасида етти тахта устига етти хил донли экин уруғини экиб қўйиб, майсаларнинг унишига қараб келаётган йил ҳосилининг чўғини чамалаш, бу шодиёна учун етти хил кўкатдан махсус сомса қилиш, сумалак қайнаётган қозонга етти дона тош ташлаш, етти хил мева қоқисидан шарбат тайёрлаш, етти хил дондан "Наврўз гўжа" пишириш, Наврўз дастурхонини етти хил неъмат билан безатиш каби удумлар халқимиз орасида қадимдан урф бўлиб келган.

Хуллас, Наврўз байрами суғорма деҳқончилик маданиятини яратган қадимги аждодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб, ҳозирги даврда ўз ижодий салоҳиятини эркин намоён этаётган юртдошларимизнинг бадиий тафаккуригача бўлган улкан маънавий қадриятлар силсиласини ўзига яхлит ҳолда жамлаган ҳаётбахш шодиёнадир. Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгандан кейин кўплаб унутилаёзган қадриятларимиз қаторида Наврўз байрами ва у билан боғлиқ фольклор асарлари, удум ва анъаналари ҳам қайта тикланди. Азалдан чинакам халқона тантана сифатида байрам қилиб келинган Наврўз ўзининг аслий қиёфасига қайтди. Зукко момоларимизу нуроний отахонлар хотирасида сақланиб қолган Наврўз қўшиқлари, айтим ва ўйинлари яна кенг кўламда ижро этила бошланди. Назаримда, Наврўз байрами ўз тарихий тараққиёти давомида ҳеч қачон бизнинг кунлардагидек қадр топиб, ғоят кенг миқёсда нишонланмаган эди. Миллий анъанларимизни сақлаб қолиш ва халқимизнинг маънавий тикланишига замин яратиш йўлида фидойилик кўрсатаётган Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Наврўз байрамининг барча узвлари тикланиб, унинг қадимий анъаналари бугунги замондошларимиз томонидан яратилган бадиий қадриятлар билан уйғунлашиб чинакам миллий байрамга айланди. Эндиликда бу байрам мамлакатимиздаги барча халқларни ўзаро бирлаштирадиган, меҳнатсеварлик ва яратувчанлик, тинчлик ва ҳурфикрлилик, серҳосиллик ва қут-барака, меҳр-мурувват ва эл-юрт ободончилиги ғоясини ташувчи умумхалқ шодиёнаси сифатида ўлкамизда кенг нишонланади. Зеро, ўз аждодларининг маънавий қадриятларини қадрлаган халқнинг истиқболи ойдин бўлиши табиийдир.

**Маматқул ЖЎРАЕВ,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимининг мудири, филология фанлари доктори**



*Баҳорнинг яна бир куни...*

**ММＭда**

## «Адолат кучи» журналистларни тўплади

Бугунги кунда вилоятларда ҳам қатор ҳуқуқий нашрлар фаолият кўрсатмоқда. Бу нашрлар фаолиятидаги қатор камчиликлар, мақолалардаги айрим номутаносибликлар, кўтарилаётган мавзуларнинг кўпроқ маиший турмушгагина боғлиқ бўлиб қолаётганига қарамасдан, бир қанча ижобий жиҳатлар борлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Кўпгина нашрларнинг кичик ҳудуд мисолида вилоятдаги каттагина муаммони очиб ташлагани, баъзи раҳбарларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб бера олганини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, нашрларда ташкил этилган баъзи рукнлар, газетхонлар билан мунтазам хат ёки телефон орқали мулоқотлар, ҳуқуқи бузилган фуқароларга юридик маслаҳатлар уларнинг ўз ўқувчилари орасида ишончга эга эканидан далолат беради.

Вилоятлардаги шундай нашрлардан бири Қашқадарё вилоят прокуратураси муассислигидаги "Адолат кучи" газетаси фаолиятига бағишланган учрашувда республиканинг етакчи газеталари журналистлари ва бошқа ОАВлари ходимлари иштирок этишди. Газетанинг ўтган йилдаги фаолияти, вилоятдаги нашрлар орасида ҳам анчагина ўқувчисига эга эканини газета бош муҳаррири Қурбонали Азизов йиғилганларга гапириб берди. Йиғилишда газетанинг ўзига хослиги, материалларнинг дадил ва халқчиллиги ижобий баҳоланди. Нашрнинг янада қизиқарли ва ўқишли чиқиши учун яна нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги хусусида дўстона фикр алмашинилди.

**Т. МАҲМУДОВ**

**Танлов**

## МАКТАБ МАҲАЛЛАГА ЮЗ БУРДИ

Ўқитувчилар баъзан ота-оналар негадир чақирсак ҳам мактабларга келишмайди, ҳатто болаларининг ўқиши, хулқ-атворидан хабар олишмайди, деб нолиб қолишади. Уларнинг бу нолишида жон бор. Чунки ҳаммамиз ҳам тан олайлик, ота-оналар мажлисига боришга кўпам қунт қилавермаймиз, вақт ва ишни баҳона қиламиз. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар "Оила" маркази билан биргаликда "Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси" асосида ташкил этилган "Маҳалламиз болалари" анъанавий танловида айни шу масала ҳам назардан четда қолмаган, дейиш мумкин.

Кўрик-мусобақа икки асосий босқичдан иборат. Биринчиси, мактабда ўтади ва саралаш босқичи ҳисобланади. Мактабда ғолиб, деб топилган гуруҳ ёки жамоа туманга йўл олади. Биринчи асосий босқич туман доирасида бўлиб ўтади. Наврўз умумхалқ байрами арафасида Сирғали туманида ана шу кўрикнинг биринчи асосий босқичи якунланди. Тумандаги 317-ўрта мактабнинг "Ўтмиши бор халқнинг келажаги порлоқ" шиори билан иштирок этган "Ниҳол" жамоаси туман босқичида ғолиб, деб топилди.

— Биз кўрик-мусобақа ҳар жиҳатдан фойдали бўлишини аввалига унчалик ҳис қилмагандик, — дейди мактаб раҳбари Баҳринисо Ҳасанова. — Шу баҳона кўпчилик ўз маҳалласи тарихи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Ҳаммадан ҳам оила мактабга, мактаб эса маҳалла томонга юз бурди.

**Маҳмуд ТЎЙЧИЕВ**

**Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири Акциядорлик тижорат**

# «ПАХТАБАНК»

Серқуёш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча юртдошларни, акциядорлари ва мижозларини
Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади!
Байрам шарафига 6 ой ва 1 йил муддатга очилиб, омонатнинг муддати ва миқдорига мутаносиб равишда йиллик 42 фоиздан 50 фоизгача даромад тўланадиган янги "Обод юрт" жамғарма омонатини таклиф этади.
Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат тилайди!

**«ПАХТАБАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

Mustaqil gazeta HURRIYAT



# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

Ҳурматли ватандошлар!
Акциядорлик тижорат «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»и Сизларни Наврўз байрами билан самимий муборакбод этади!
Ушбу байрамимиз ҳамиша тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат ва бунёдкорлик байрами бўлиб қолсин!
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» Наврўз байрами кунларида «БАҲОР» деб номланган янги, юқори даромад берувчи муддатли омонат турини Сизларга таклиф қилади.
Мазкур омонатга пул маблағлари аҳолидан шу йилнинг 26 февралидан 31 мартгача қабул қилинади. Омонатнинг сақлаш муддати 3 ой бўлиб, «БАҲОР» омонати эгаларига ҳар ойда 3,5% миқдорида даромад тўланади. Омонатчи ҳар ойда ҳисобланган фоиз даромадларини олиши мумкин. «БАҲОР» омонатининг энг кам миқдори 20 минг сўм бўлиб, ушбу омонатга пул маблағлари «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча жамғарма кассаларида қабул қилинади.
Ўз жамғармаларингизни «Ўзсаноатқурилишбанк»ида сақлаш ва кўпайтириш имконини қўлдан бой берманг!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-24, 133-34-45

**Туйғу**



Қўчқор НОРҚОБИЛ

## Изҳор

*Мен авайлаб севаман Сизни,*
*Кўтараман аяб бошимда,*
*Шундай — қуёш чиққани каби*
*Баҳор бўлиб туринг қошимда.*

*Шуълаларга чулғанган чаман —*
*зорда гулдай товланиб гоҳи*
*Сиз қаршимда пайдо бўлган чоғ*
*қамашади нурдан нигоҳим...*

*Ҳуснингизга маҳлиё баҳор,*
*эркалайди — силаб-сияди,*
*Тўлқин урган сочларингизни*
*Камалакка боғлаб қўяди...*

*Сиз баҳорнинг бағрида ҳайрат*
*тимсолида очилган бир гул.*
*Боқдим, кундай ёришди ҳасрат —*
*Мен қувониб узатаман қўл.*

*Мен авайлаб севаман Сизни,*
*Кўтараман аяб бошимда,*
*Шундай — қуёш чиққани каби*
*Баҳор бўлиб туринг қошимда.*

## Тоғ

*Мен тоғ эдим. Кўксимда ўт,*
*ёқар эдим чақмоқларни.*
*Юрагимда оғир сукут —*
*дарё бўлиб оқмоқ дарди.*

*Гўзал ўлим топардилар —*
*Бургутларни тилкалардим,*
*Ўнгиримдан ўпардилар*
*Қўрқоқ шамол — укаларим...*

*Чўққиларим чулғатарди*
*Қуёшнинг соч толаларин,*
*Баҳорларни уйғотарди*
*Кўкрагимда лолаларим.*

*Гоҳ қаҳрли тикилардим:*
*Булут — кўкнинг соялари.*
*Гоҳ меҳрли елкаларди*
*Бойчечакни қояларим...*

*Тоғлигимдан тамом бездим —*
*Севги дарди тоғни йиқди...*
*Ерга сингиб ҳар бир сўзим*
*Майса бўлиб униб чиқди.*

*Севган эдим... Зарра бўлдим,*
*Севги — бошда оқарган ғам...*
*Тоғман, Сенга ҳавас қилдим*
*Севган одам!*
*Севган одам!!*

## Менинг фаслим

(туркумдан)

1

*Осмон ҳасратини тўкди,*
*Бошимда ёмғир куйлади.*
*Эзилдим, йўлга кўз тикдим —*
*Кун бўйи Сизни ўйладим...*

*Тугамади кўк ҳасрати,*
*Мени ҳолимга қўймади...*
*Қайғуда қолган қисматим —*
*Сизни тун бўйи ўйладим.*

*Йўқ! Кўнгилга сиғмас додим,*
*Ёмғирларда ивир дардим...*
*Новдаларда кимнинг ёди*
*Томчи бўлиб шивирлади?..*

*Қоп-қоронғи кеча... Ўзим*
*Ёлғиз эдим... Оғир бўлди.*
*Юрагимдан кечган сўзим*
*Ёмғир бўлди, ёмғир бўлди...*

2

*Зим-зиё тун. Игнаёмғир —*
*Санчди ёмғир. Оғриқ юрак.*
*Бир азобли инграётир*
*Чархи фалак, чархи фалак.*

*Юракдан дард томчилади,*
*Бунча оғир томчилари...*
*Деразамни қамчилади*
*Қисматимнинг қамчилари.*

*Тун соғинчнинг сувратими,*
*Жоним тўзғин. Янчилади...*
*Ёмғир менинг қудратимни*
*Ерга урди, парчалади...*

*... Воҳ, улғайдим бир ларзадан*
*Юрак тўлди — уриб турди...*
*Ёмғир бўлиб деразангдан*
*Кўзларингни кўриб турди.*

*Сизга қийин... Менга ҳам оғир*
*Ёмғир — ўйин. Ёғади — кимдир.*
*Ёмғирида осилди охир*
*Тақдир, тақдир, тақдир...*

*Сизга оғир. Менга ҳам қийин*
*Оғрир бағир — ёғди кун бўйи.*
*Сизга қанча талпинган сайин*
*Қалбни ўртар Тангрининг куйи.*

*Сиз — дераза қўриқлаган гул,*
*Чиройлисиз ҳатто ёмғирда.*
*Мен — ташқари уст-бошим ҳўл*
*Гуллаяпсиз кимнинг бағрида?*

*Бизга қийин. Тақдирми, ана,*
*Эзғин-эзғин ёққани-ёққан.*
*Деразангиз йиғлар ошкора*
*Кўз ёшлари оққани-оққан.*

*Сизга қийин. Менга ҳам оғир.*
*Ёмғир — ўйин. Ёғади кимдир.*
*Ёмғирида осилди охир*
*Тақдир, тақдир, тақдир.*

## Оғриқ

*Дўстдан душман келдими мард,*
*Бир қўл гул-у, бири ханжар...*
*Жилмайди — гулдай беғард,*
*Узр сўраб дўст тиғ санчар...*

*Бўғзимда жон қилар таслим —*
*Кўкрагимда шамол қотди.*
*Курагимнинг қоқ ўртаси,*
*зирқирайди — ханжар ботди.*

*Мен юзтубан йиқиламан,*
*Кўзларимни қўлим тўсди —*
*Сенга қандай тикиламан —*
*уяламан сендан дўстим...*

*Душман тиғин оғриғи йўқ —*
*Тикан санчган каби тақдир...*
*Дўст тиғ урди — қулади кўк,*
*йиқилмоқдин чорам йўқдир...*

*... Баҳор келди... елкаларим,*
*Қип-қизил гул... Эсладингми,*
*Замин мени эркалади —*
*Мен сотмадим дўстларимни...*

**Дунё**

GLOBUS international life

# Муносабатлар чигаллашмоқда

**Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ҳиндистонда мустақиллик учун кураш кучайди. Буюк Британия мустамлакачилигига қарши ҳаракатлар аҳолининг кенг қатламини қамраб олди. Кудратли халқ намойишлари Лондон ҳукуматини Ҳиндистон "бахридан ўтиш"га мажбур этди. Бироқ инглизларнинг "хазиналар мамлакати"дан воз кечиши осон бўлмади. Британ қўшинлари Ҳиндистонни тарк этиш олдидан мамлакатни диний белгилар бўйича икки қисмга: Ҳиндистон ва Покистонга бўлиб ташлашди. Мамлакатнинг икки ҳудудга бўлиниши шу пайтга қадар давом этиб келаётган Ҳиндистон-Покистон ихтилофининг келиб чиқишига сабаб бўлди...**

Халқаро кузатувчилар сўнгги пайтда Деҳли-Исломобод муносабати яна кескинлашганини таъкидламоқдалар. Агар икки давлат ҳам урушга тайёр ҳолда эканлигини эътиборга олсак, бу кескинлик қандай оқибатлар келтиришини тасаввур қилиш мумкин. Бир муддат аввал Ҳиндистон парламентига номаълум гуруҳлар томонидан ҳужум уюштирилган ва бунинг оқибатида 13 киши ҳаётдан кўз юмган. Расмий Деҳли бу ҳаракатни Покистонга тегишли гуруҳлар амалга оширган, деб гумон қилиб, Исломободдан ҳужумни амалга оширган гуруҳ етакчиларини Ҳиндистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширишни талаб қилган. Бироқ Деҳли ҳукумати ҳар қанча талаб қилмасин, жиноятда гумон қилинган шахс — Маъсуд Азҳар Ҳиндистонга юборилмади. Исломободнинг мазкур хатти-ҳаракатини Важпаи маъмурияти мамлакатга ҳурматсизлик деб баҳолади ва бунга жавоб сифатида Покистон билан чегарадош ҳудудга Ҳиндистон баллистик ракеталари ва қуролли кучлар бўлинмалари жойлаштирила бошланди. Деҳли эндиликда ҳамкорлик муносабатларидан наф йўқ, деб билдими, Покистондаги элчисини ҳам чақириб олди. Ҳиндистон Бош вазири А. Вашпаи бу ҳолатни шундай изоҳлади: "Ҳиндистон уруш тарафдори эмас, аммо бизларни уруш олиб боришга мажбур қилишмоқда".



Бу вақт давомида покистонликлар қўшни мамлакатдаги жадал ҳарбий ўзгаришларни томоша қилиб турмадилар, албатта. Покистон ҳам Ҳиндистон билан чегара ҳудудларга ҳарбий техника ва ракеталарини жойлаштирди. Чегара ёнидаги аэропортга биргина F-16 қирувчи самолётларининг 350 таси келтирилди. Бундан ташқари, шу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилди. Биргина жиноятчининг Ҳиндистон ихтиёрига юборилмаслиги сабабли аҳвол шу қадар жиддийлашиб кетишини ҳеч ким, ҳатто Исломобод ҳукумати вакиллари ҳам кутмаган бўлса керак. Ихтилофнинг бу даражада чуқурлашувига фақатгина Маъсуд Азҳарнинг жаноб Важпаига топширилмагани сабаб бўлмаган, албатта. Аслида Ҳиндистон ва Покистон Жамму ва Кашмир штатлари масаласида салкам 50 йилдан буён муросага кела олмаяпти. Юқоридаги воқеа эса тутаб турган уруш оловини учқунлантириб юборди, холос.

Бундан тўрт йилча муқаддам Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам ядро қуролига эга эканлиги ҳақида бутун дунёга овоза тарқалган эди. Яқинда Деҳли-Исломобод ўртасида бўлиб ўтган "сўз ўйини" баҳсида ҳам икки томонлар шу жиҳатга урғу бергандай бўлди. Гап шундаки, Покистон Президенти Парвез Мушарраф Исломобод Ҳиндистонни оғир аҳволга солиб қўйгани ва эндиликда Важпаи жаноблари Покистон билан ҳисоблашишга мажбур эканини маълум қилди. Президент ўз чиқишида агар Ҳиндистон Покистонга ҳужум қилгудек бўлса, "кутилмаган жавоб" олишини ҳам илова қилиб ўтди. Айни шу "кутилмаган жавоб" халқаро ҳамжамиятни хавотирга солиб қўйди. Кўпчилик буни ядро қуроли таҳдиди, деб тушунди. Яхшики,Мушарраф зудлик билан хатосини тўғрилади. У ядро урушини аҳмоқлик деб баҳолади ва "кутилмаган жавоб" деганда, жанг олиб боришнинг янги усуллари, махсус тактикасини назарда тутганини маълум қилди.

АҚШнинг бир гуруҳ олимлари минтақада ядро қуроли ишга тушгудек бўлса, қандай оқибатлар келтириши мумкинлигини ўрганиб чиқдилар. Биринчи ҳолатда оммавий қирғин қуролидан Кашмир ҳудудида фойдаланилса, 40 мингдан зиёд аҳоли қурбон бўлади. Иккинчи тахминга кўра, йирик шаҳарлар — Лахор (Покистон) ва Амритсар (Ҳиндистон)га ҳужум уюштирилгудек бўлса, бу ҳаракат 500 минг кишининг ҳаётига зомин бўлади. Учинчи сценарий янада даҳшатлироқ кўриниш касб этади. Агар икки мамлакат барча ядро заҳираларини ишга солиб, пойтахтларга ядро бомбаси ташлагудек бўлса, биргина портлашдан сўнг 12 миллион киши ҳаётдан кўз юмади, яна қанчаси нурланиш натижасида бедаво дардга чалинади. Обод шаҳарларнинг култепага айланиши, ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ядро қуроли қолдиқлари кейинчалик ҳам йиллар давомида нафақат икки давлат, нафақат минтақа, балки бутун дунёга аянчли асоратларини кўрсатишини-ку, гапирмаса ҳам бўлаверади.

АҚШ давлат арбоби Генри Киссенжер ўтган юз йилликда "XXI асрдаги халқаро муносабатлар энг камида олти қудратли давлат — АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Россия ва Ҳиндистон билан бирга қудратлироқ ҳамда нисбатан кичик мамлакатлардан ташкил топади", деганди. Янги аср бошида гувоҳ бўляпмизки, Киссенжер томонидан 6 қудратли давлат қаторига киритилган Ҳиндистон ҳақиқатдан ҳам дунё сиёсий ҳаётида ўта фаол иштирок этяпти. Бироқ Ҳиндистоннинг халқаро ҳаётдаги фаол иштироки мамлакат тутаётган кескин позиция нуқтаи назаридан БМТ ва бошқа тинчликсевар ташкилотлар, умуман, дунё хамжамиятига хуш келаяпти, дейиш қийин.Чунки Ҳиндистон,халқаро кузатувчилар эътироф этаётганидек, кўп қутбли дунёнинг яна бир қутби бўлмоқчи. Бу эса Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги уруш ҳолатини бартараф этишга имкон бермаяпти.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Ёдлов

# УНИ СОҒИНАДИ БАҲОРЛАР





***“Рутубатли қиш музларини эритиб, кўҳна Тошкентнинг Ҳазрати Имом даҳасига ҳам, бутун юрт ҳудудлари қатори яшаш, яшариш, янгиланишни етаклаб Наврўзи олам кириб келди. Лекин неча минг йиллар муқаддам тупроғимизга илдиз қўйган қадимий урф  кўпдан таъқиб қилинаётганини сингдира олмагандай, кечалари ҳамон совуқ, этни жунжиктирувчи шамоллар тинмайди. Кундузлари шаҳарни оппоқ ва қуюқ туман чулғаб олади-да, тушга яқин гўшангадан энди чиқиб келган соҳибжамол келинчакдай дилларни яйратиб қуёш юз очади...”***

Тасодифни қарангки, ёзувчи Ҳожиакбар Ислом Шайхнинг “Туташ оламлар” романи юқоридаги тасвир билан бошланган.

Роман сўзбошисида профессор Озод Шарафуддинов шундай деб ёзган экан: ***“Сезган бўлсангиз, Ҳожиакбар Шайхов 1995 йилда 50 ёшга тўлади. “Туташ оламлар” шу қутлуғ санага аталган туҳфа. Муносиб туҳфа! Бу асар бугунги адабиётимиз учун янгилик – беш йил аввал бундай асарнинг пайдо бўлиши мумкин эмас, ҳатто уни ёзишни ўйлаш ҳам душвор эди. Унинг янгилиги шундаки, бу асар ўзбек насридаги биринчи мистик — фантастик роман”.***

Мана, юртимизга яна Наврўз ташриф буюрди, кўклам ўзи билан яшнаш, яшариш нафасини олиб келди. Баҳор насимлари кўнгилларга ижод, яратиш завқини солиб, янги асарларга илҳом бермоқда. Ҳа, шубҳасиз, Наврўз қайтиб келаверади, романлар ёзилаверади — кўҳна дунёнинг ишлари давом этаверади. Ана шу абадий жараёнда ҳамма ўзининг боқий манзилини топади. Биров эртароқ, биров кечроқ. Ёзувчи, муҳаррир, ажойиб дўст ва оқибатли инсон Ҳожиакбар Шайхов кутилмаганда бу ёруғ оламни тарк этиб кетди. У сўнгги нафасигача дўстлар шодлигини баҳам кўриб, ташвишига шерик бўлиб яшади. Одамларга бўлган самимий ҳурмат, чексиз ишонч уни асло тарк этмади. “Унинг учун ёмон одам йўқ эди”, дейди ёзувчининг рафиқаси, Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг доценти Муҳаррамхон. Тоби қочиб, ишга чиқмаган кунларининг бирида ижодкор дўстлари кўргани келишди. У меҳмонларни бардам кайфиятда кутиб олди, дарднинг хуружини заррача сездирмади, сўраганларга: “Ҳожиакбар ижод билан астойдил шуғулланаётган экан”, деб айтишди. Дўстлар шодон кайфиятда хонадонни тарк этишди. Дўстлигимиздан ажойиб асарлар, яхши ном, ўчмас хотиралар эсдалик бўлиб қолди. Унинг хайрли ишлари фарзандлари – Улуғбек, Шаҳноза, Отабек ва ширин набираларининг ҳаётида давом этгусидир.

**Ҳ. МУҲАММАД**



*Ғуборларни ювар шаршара.*

Кўргазма

# «УСТО» НАМОЙИШ ЭТАДИ»

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида “Усто” республика махсус ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг “Усто” намойиш этади” деб номланган кўргазмаси очилди.

Кўргазмада бирлашманинг бирча вилоят бўлими усталари ўзлари яратган санъат дурдоналари билан қатнашдилар. Самарқанднинг зардўз усталари, Фарғона наққошлари, Тошкент кулоллари билан суҳбатлашар эканмиз, ўзимизни қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олдик. “Усто” бирлашмасининг Самарқанд вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Жўрақул Иноятовга дастлаб ана шундай савол билан мурожаат қилдик.

**— Кўргазмани ўтказишдан қандай мақсад кўзланган?**

— Бу кўргазма мақсади унинг номланишидан ҳам намоён. Яъни, усталаримиз қилган ишларини халқимизга намойиш этиш, юртимиз санъатининг тараққиёти қай йўсинда бораётганини англатиш. Кўриб турибсиз, усталаримиз нафақат чинни идишлар, эсдалик буюмлари, балки юртимиздаги кўпгина ҳашаматли бинолар қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” музейи, Хотира майдони ва шу каби бино ва музейларнинг барпо этилишида усталаримизнинг катта меҳнати сингган.

**— Хорижда ҳамкорларингиз борми?**

— Чет мамлакатлар билан алоқаларимиз жуда яхши. Хусусан, Франция, Германия, Буюк Британия, Канада, Малайзия каби мамлакатларда ўтказиладиган кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келмоқдамиз. Канадада ўтказилган халқаро кўрик-танловда самарқандлик зардўз қизларимизнинг ишлари олий дипломга лойиқ деб топилди. Келажакда эса Германиянинг таклифи билан ўша мамлакатда доимий кўргазма очиш ниятимиз ҳам бор.

**Шоҳиста ЙЎЛДОШЕВА**

Баҳс

# Аллоҳ назари тушгани рост бўлсин

“Ҳуррият” ўз саҳифаларида турли фикрларга кенг ўрин бериши ҳаётимизга демократик тамойилларнинг сингиб бораётганига яққол мисолдир. Ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда газетанинг 12 февраль сонида чоп этилган Зуҳриддин Исомиддиновнинг “Шавқ шароратида” сарлавҳали мақоласида айрим миллий хусусиятларимиз ва диний тушунчаларимиз тўғрисида билдирган фикрларига баъзи мулоҳазаларни изҳор этишга жазм қилдик.

Албатта, муаллиф ҳам мақола “бисмилло”сида ўз фикрлари мунозара уйғотиши мумкинлигини истисно этмайди, қолаверса, мақола остидаги таҳририят таклифи ҳам кишини беихтиёр баҳсга чорлайди. Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, таниқли публицист Зуҳриддин Исомиддинов мамлакатимизда чоп этилаётган турли даврий нашрларда дадил чиқишлари, ўзига хос нуқтаи назари билан муносиб из қолдириб келяпти. Шу маънода биз билдираётган мулоҳазаларни у кишини мутлақ рад этиш деб эмас, балки кўтарилган масалалар бўйича ўзгача қарашлар ҳам мавжудлигини англатиш мазмунида қабул қилгайсиз.

Муаллиф маданият муассасалари томонидан уюштирилаётган, телевидение орқали элга намойиш этилаётган “Алла танловлари”га норозилик билдиради. Лўнда қилиб айтганда, “Алла” ижроси бўйича ҳар хил танловларнинг нима кераги бор, деган савол қўйилади. Ахир, алла халқ оғзаки ижодининг ноёб ва ўзига хос дурдонаси бўлиб, уни омма орасида тарғиб этувчи ҳар қандай тадбир азалий қадриятларимизни эъзозлашни кўзлайди-ку?! Нега энди шундай эзгу ниятлар ифодаси бўлган нурли манзараларни, жозибадор кўринишларни ҳаётимиздан ўчиришимиз керак?

Мақолада келтирилган далилларни таҳлил қилишга уринайлик. “Ўзбекларда қизлар куёвга чиқиб, то бир-икки болали бўлгунича ҳам қайнона-қайнотаси олдида алла айтишдан ийманади”. Бир қарашда миллатимизнинг нозик удуми ўринли таъкидлангандай. Тўғри, қайнона-қайнота олдида келинларимиз нафақат алла айтишга, ҳатто қўшиқ ижро этишга ҳам бир умр тортинадилар. Бу — улар оммавий тадбирларда ҳам овозини чиқармасин деган маънони бермаса керак. “Воyга етган қизнинг алласини эшитган эмасмиз”, деб эътироз билдиради муаллиф. Ҳали норасида қизалоқларнинг жажжи қўғирчоғини ювиб-тараганини, беланчагига ётқизиб “ухлатганини” кўрганмисиз? Ўша лаҳзаларда мурғак гўдак қалбида ҳаётга, “фарзанд”га, ён-атрофидагиларга меҳр уйғонаётганини кўриб шодланганмиз. Ахир эзгу туйғулар инсон ҳаётининг муайян ёшидан бошлаб эмас, умри мобайнида қадам-бақадам вужудга келмайдими, такомил топмайдими? Қолаверса, ўша гўдакка меҳр она сути ва алласи орқали ўтган.

Оммавий тадбирларда, айниқса, маълум сценарийга бўйсунган саҳнада шартлилик деган тушунча бор. Зуҳриддин ака ана шу қоидани инобатга олмай, айрим талабларни ўртага ташлайди. Бўш бешикни тебратиш ёмон бўлади, деган иримга таяниб, “Водариғки, бу ўзбошимча саҳналарда муқаддас тушунчаларга эътибор камроқ бўлар экан” деб нидо қилади. “Шавқ шарорати”га берилмаяпсизми? Ахир саҳнадаги манзаралар, декорациялар шартли нарса эканлигини ҳамма билади-ку?!

“Ўзбекларда ҳар юртнинг, ҳар гўшанинг ўз алласи бор”. Муаллиф бу гап орқали алла танловлари бир хилдаги, бир қолипдаги “чиройли” айтишга ўтилаётганидан ташвишланади. Ҳолбуки, шу пайтгача биз кўрган алла мусобақаларида энг аввало маҳаллий ўзига хосликлар ҳисобга олиб келинган. Борди-ю, муаллифда сценарийларнинг “чучмаллиги” ҳақида фикрлар бўлса, уни айтса, мукаммаллик сари интилишни табиий тушунса бўлади.

— Марғилондаги боғда алла қўшиқлари танлови ўтказганимиз эсимда, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Деҳқонбой Ҳусанов. — Қалбнинг туб-тубидан чиққан аллани тинглаган томошабинлар кўзида ёш кўрдим. Халқимиз ичида шунчалик истеъдодлар борлиги ўша тадбир туфайли намоён бўлди.

— Албатта, бешик тебратиб айтиш шартми? Шундоқ айтаверса бўлмайдими?

— Бешиксиз алла аллами? Онанинг ўз жигарпорасига Яратгандан сўраган илтижоси, меҳри, фидойилиги шундай оҳангга қуйиладики, у бешикнинг оҳиста тебраниш маромига монанддир, — дейди Д. Ҳусанов. — Аксарият танловларда ҳақиқий болани бешикка солганмиз. Лекин бирор марта ҳам гўдак йиғлаган эмас, алла оғушида ором олган...

Баъзан сўзнинг маъносини айнан тушуниш, фақатгина бир томонига урғу бериш одамни ғалати ҳолга солиб қўйиши мумкин. Она юртимизга берилаётган таърифлардан бири — “Ўзбекистон — Аллоҳ таолонинг назари тушган замин” иборасига З. Исомиддиновнинг иштибоҳларини ўқиганда ҳам шундай таассурот қолади. Нима эмиш, Аллоҳ назари тушганини ҳеч ким кўрмаган. Аввало, бундай нозик мавзуларда биз, журналистлар эмас, балки тарихий манбаларни элак-элак қилган нуктадон мутахассислар сўз юритишса ўринли бўлур эди. Модомики, шундай фикр ўртага ташланган экан, у ҳақда индамаслик ҳам ноқулай. Мен шу соҳада эл эътирофига сазовор бўлган уламолардан бири билан суҳбатлашиш асносида сўраб кўрдим. Ул зот айтдиларки, бу сарзаминда Аллоҳ назари тушмаган жойнинг ўзи йўқ. Айни пайтда яна шундай ривоят ҳам борки, бу дунёнинг жаннати қаер, деб сўралганда, “Икки дарё, яъни Сайҳун ва Жайҳун оралиғи” деган жавоб бўлган. “Мен шу сўзларга ишонаман, — деди суҳбатдошим. — Ахир юртимизда етилаётган ноз-неъматлар лаззати яна қаерда бор?”. Дарҳақиқат, не-не диёрлар, эли янада фаровон юртларда ҳам биздагидек унумдор тупроқ йўқлиги бор гап-ку?!

Шу сатрларни ёзиб ўтирганимда Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон шеъри хонанда Нилуфар Раҳматова ижросида янгради:

**“Сенга Аллоҳ назари тушгани рост бўлсин”.**

Бу қўшиқ менга Юртбошимизнинг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз” деган қанотли ва илҳомбахш сўзларини ёдимга солди. Ўша сўзларни такрор-такрор ўқиганимда руҳимда ажиб ифтихор жўш урди.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ**

Муносабат

# НЕГА ҲАРОМ ОЙ ДЕЙИЛАДИ?

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳ таолога беҳад ҳамду санолар, ҳазрати Расулуллоҳга беадад салоту саломлар бўлсин.

“Муҳаррам – муқаддас ой” (“Ҳуррият”, 2003 йил, 5 март сони) мақоласи газетхонларда кўп қизиқиш уйғотгани ва уларда баъзи саволлар пайдо қилганидан мамнунмиз. Барчаларига самимий ташаккур билдирамиз.

Нима учун “ҳаром ой” дейилади? “Ҳаром ой” дегани нима дегани? каби саволларга мақола замирида қисман жавоб бор. Аммо бунинг шарҳига турли касбкордаги газетхонлар муҳтож эканлиги маълум бўлди. Чунки “ҳаром” деганда одатда инсон ҳазар қиладиган ножоиз нарсалар тушунилади. “Сунани Термизий” таржимасида “ғулул” сўзини умумий таъриф билан “ҳаром” деб ифодалаганмиз. “Таҳоратсиз кишидан намоз, ҳаром пулдан садақа қабул қилинмайди”, дейилади Ҳадиси шарифда. Бас, “ҳаром” сўзининг оятларга оид маъноларини очиб бериш зарурияти бор.

Қуръони каримнинг бир қанча оятларида келган “Аш-шаҳрул ҳарому”, “шаҳрол-ҳарома”, “ашҳурул-ҳуруму” каби таъбирлар ўзбекча таржималарда “(уруш) манъ этилган ой”, “уруш ҳаром бўлган ой”, “уруш ҳаром этилган ой”, “ҳурматлик ой”, “шаҳри ҳаром”, “ҳаром ойлар” тарзида ифодаланган.

“Ҳаром” сўзи луғатда – 1) манъ этилган, тақиқланган, нораво, ношойиста; 2) иҳота қилинган (атрофи ўраб олинган), қўриқланган; 3) муқаддас, ҳурматли каби маъноларни билдиради. Ҳурмат, маҳрам, эҳром, таҳрим сўзлари ҳам шу ўзакдан келиб чиққан. Бу учала маъноси ҳам ойлар ҳақидаги оятларга мувофиқ келади.

Заруратан баъзи оят таржима ва шарҳларини такроран келтирамиз. Аллоҳу таоло Қуръони каримнинг Тавба сураси 36-оятида бундай деб марҳамат қилади: **“Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг саноғи – Аллоҳ осмонларни ва ерни яратган кунида белгилаб қўйганидек – ўн икки ойдир, улардан тўрттаси (уруш) ҳаром қилинган ойлардир. Ана шу тўғри диндир (яъни, ҳақ ҳукмдир). Бас, бу ойларда (уруш қилиб) ўзларингизга зулм қилмангизлар!”**

“Руҳул-баён” китобида бундай дейилади: **“Ҳаж, умра, рўза, закот ва ҳайитлар каби диний ҳукмларга боғлиқ ойларнинг саноғи ўн иккидир. Бу ойлар арабий-қамарий бўлиб, бир ҳилолнинг кўринишидан бошқа гал ҳилолнинг кўринишига қадар бўлган вақтдирки, бу эса баъзан йигирма тўққиз, баъзан ўттиз кундир. Ой (қамарий) йилининг муддати эса уч юз эллик тўрт кун ва саккиз соатдир. Қуёш (шамсий) йилининг муддати эса уч юз олтмиш беш кун ва олти соатдир. Ой йили қуёш йилидан қисқа бўлгани учун қамарий йиллар мавсумдан мавсумга айланиб туради. Рўза, ҳаж ва ҳайитлар баъзан ёз ойларига, баъзан эса қиш ойларига тўғри келади. Бошқаларида эса, қуёшнинг том бир айланиши билан ҳаракат этилгани учун, ҳайитлар ва рўза ҳамиша битта ойга тўғри келади”.**

Шарҳ давомида яна айтилади: **“Ойларнинг саноғи ўн икки бўлиши Аллоҳ таоло тарафидан Лавҳи Маҳфузда собит қилингандир. Унинг ҳукми шундай! Бу ҳол улуғ Аллоҳ ашёни ва жисмларни яратганидан бери шундай. Бундай дейилишининг сабаби будир: чунки Аллоҳ осмонларни ва ерни яратган кун ойни ва қуёшни осмонларда ҳаракат эттириб қўйган”.**

Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандий: “Бу Аллоҳнинг низомидир, ҳеч кимса ўзгартира олмайди. Аллоҳ инсонлар ер юзида бемалол яшамоқлари ва ибодатларини тўлиқ адо эта олмоқлари учун бир йилни ўн икки ойга тақсим этган. Фикр юритадиган одамлар учун бунда улуғ ҳикматлар бор”, дейдилар.

Жоҳилия даврида араблар ўз манфаатларига қараб, муқаддас ойни кейинга суриб, ўзгартириб олаверишарди. Аллоҳ таоло кейинги оятда: **“(Муқаддас) ойни кейинга сурмак ҳақиқатда куфрни яна тараққий қилмакдур”**, деб огоҳлантиради.

Таржима ва тафсирларга кўра, бу ва бундан бошқа ояти карималардаги “ҳаром” сўзи қуйидаги уч маънода келади:

1. Тўрт ойларда уруш-жанжал, жангу жадал тақиқланган. Лекин агар мушриклар жанг бошласа, уларга қарши урушиш мумкин. Чунончи, “Тўрттаси (уруш) ҳаром қилинган ойлардир” жумласини шарҳлаб, Самарқандий айтадилар: “Бу ойлардан тўрттаси ҳаром ойлардир. Исломдан олдин ва Исломнинг аввалида араблар Ражаб, Зулқаъда, Зулҳижжа ва Муҳаррам ойларига бағоят ҳурмат кўрсатар, бу ойларда уруш қилмас эдилар. Чунки булар тақиқ ойлари эди”.

Яна “Тафсири ҳилол”да Бақара сураси, 194-ояти карима шарҳида айтилади: **“Ояти каримадаги “Аш-шаҳрул-ҳарому” деб келган таъбирни “ҳаром ой” деб таржима қилдик. “Ҳаром ой дегани, уруш ҳаром қилинган ой, деганидир”.**

2. Бу қўриқланган, иҳота қилинган ойлардир. Бошқа ойларда ҳам тақиқланган ҳаром ишлар бу ойларда янада қаттиқроқ тақиқланади. Чунончи, Самарқандий айтадилар: "Бу дегани бошқа ойларда гуноҳ қилиш мумкин дегани эмас. Албатта, бутун ойларда қилинадиган гуноҳлар ҳаром. Аммо бу ойларда қилинадиган гуноҳлар бошқа ойлардаги гуноҳлардан кўра янада оғирроқ. Чунки содир этилган гуноҳлар билан бу ойларга ҳурматсизлик қилинган бўлади. Ичкилик ичмоқ ва зино қилмоқ ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳаром. Худди шу жиноятлар масжидларда қилинса, гуноҳ яна ҳам ортади".

Фақиҳ айтадилар: "Аллоҳ таоло бундай деб марҳамат қилади: "Сизлар бу ойларда гуноҳ ишлар қилиб, кимсага зулм қилмангизлар. Зеро, зулм қилганлар фақат ўзларигагина зулм қилган бўладилар".

3. Бу ойлар муқаддасдир деган маъно ифодаланган. Чунончи, "Руҳул-баён" китобида бундай дейилади: "Бу тўрттаси муқаддас ойлар бўлиб, бу ойларда уруш қилмоқ ҳаром. Ана шу тўғри диндир". Белгиланган бу тўрт ойнинг муқаддас эканлиги – ҳақиқий дин ана шудир. Бу тўғри дин ҳазрати Иброҳим ва ҳазрати Исмоил пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) динидир. Арабларга бу дин ул икки пайғамбардан мерос қолди. “Бу ойларда ўзларингизга зулм қилмангизлар”. Яъни, бу ойларнинг муқаддаслигини оёқости қилмоқ ва манъ этилган ишларни бажармоқ билан ўзларингизга зулм қилмангизлар.

Баъзи туркий таржималарда “ҳаром ойга ҳаром ой” (Бақара, 194) шаклидаги ояти карима: “Муқаддас бўлмиш ҳаром ой муқаддас бўлмиш ҳаром ойга муқобилдир” деб ифодаланган.

Бу ойларнинг муқаддаслиги “Руҳул-баён”да Каъбага қиёс қилинади: “Оятда кечган “зулм” сўзини “катта гуноҳларни қилмоқ” тарзида таъвил қилганлар. Бу гуноҳи кабиралар ҳарамда (Каъбатуллоҳда) ва эҳромда бўлган пайтда гуноҳ иш қилмоқ каби улкан гуноҳлардир”

Яна “Тафсири ҳилол”да айтилади: **“Аллоҳ таоло ҳарами шариф ҳудудини тинчлик-омонлик макони қилиб қўйганидек, Зулқаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойларини тинчлик-омонлик замони қилиб қўйди”.**

Ҳадиси шарифда бундай дейилади: **“Бу муборак ойларда ҳидоят ортади. Аллоҳ таоло инсоннинг иймонига қувват беради. Бу кунларда илоҳий раҳмат, неъмат кўпаяди. Бундай кунларда ибодат қилиш ва рўза тутиш билан сизлар ҳам илоҳий раҳматни кутиб олингизлар”.**

“Ҳақ дини, Қуръон тили” китобида бундай дейилади: “Тўрт ҳурматли ойдирки, бу ойларда қилинган гуноҳнинг жазоси ҳамда адо этилган ибодат ва тоатнинг савоби бошқа ойдагилардан кўра ортиқроқдир. Аҳамиятли ойлар бўлгани сабабидан бу ойларга бошқа ойлардан кўра кўпроқ ҳурмат кўрсатилмоғи лозим”.

Демак, ўрнига кўра “ҳаром ойлар” деган таъбирни “муқаддас ойлар”, “ҳурматли ойлар”, “муборак ойлар”, “тақиқ ойлари”, деган маъноларда тушуниш ва ифодалаш мумкин. Аммо густоҳлик қилиб, муқаддас деган сўзни Аллоҳ таоло ҳаром деб эълон қилган жирканч нарсаларга нисбатан қўллаш асло мумкин эмас. Бу таъриф фақатгина мазкур муқаддас ойларга оиддир.

Ҳозир ҳижрий йилнинг илк ойи бўлмиш муқаддас муҳаррам ойида турибмиз. Худди ҳарами шарифда – Каъба атрофида, эҳромда юрган каби ҳолатдамиз. Демак, бу савоб ишларни имкон қадар кўпайтириб, гуноҳлардан буткул тийиладиган, тавбага келадиган, тавба қабул бўладиган мавриддир. Аллоҳ таоло бу муқаддас ойни муносиб кечирмоқни ҳаммамизга насиб айласин!

**Мирзо ХУШНАЗАР**

## *МУҲАРРАМ*

*Муҳаррам  муборак, муқаддас ойдир,*
*Ҳаром қилинмишдир жангу жадаллар.*
*Ҳар кимки маънога, иймонга бойдир,*
*Қалби фараҳ топар бундай маҳаллар.*

*Муқаддас тўрт ойнинг учи, албатта,*
*Зулқаъда, Зулҳижжа ҳамда Ражабдир.*
*Ҳар кимки ўтказса зулму ғафлатда,*
*Нечоғ мусибатдир, қандай ажабдир!*

*Бу ойларда зулму гуноҳ ярашмас,*
*Ярашгай эзгулик, поклик ва савоб.*
*Бу кун биз эркимиз, охиратда, бас,*
*Ҳар ким қилмишига олгайдир жавоб.*

*Муҳаррам ойига зийнат – Ашуро,*
*Қадру фазилатин билсак, ютгаймиз.*
*Тириклик имконлар майдонидир, о,*
*Олдингилар ўтди, биз ҳам ўтгаймиз.*

*Ойнинг энг яхшиси аслида, бешак,*
*Тавба қабул бўлган ойдир, бор бўлинг.*
*Дўстлар, тавба ойи бўлсин муборак,*
*Покликка юз буринг, нурга ёр бўлинг!..*

Лаҳза

NAVRO'Z
XALQ RADIOSI
FM 88.4 MHZ

# ЯНГИ КУН РАДИОСИ

Кечқурун ҳамма ишларимни битириб, хонамга кирдим, одатдагидек радионинг “қулоғи”ни бурадим ва ундан таралаётган таниш қўшиқни тинглай бошладим. Ашула тугагач, радиодан “Наврўз” – янги кун радиоси, жумласи янгради. “Ҳа, яна биттага кўпайибди-да”, деб қўйдим. “Қани, ўзи қанақа радио экан, олдингиларидекми ёки бошқачами”, деган хаёлда овозини салгина кўтариб, диққат билан тинглай бошладим...

Эрталаб ишга йўл оларканман, негадир “Наврўз”нинг муассислари ким экан, деган савол мени тинч қўймади. Ана шу ва бошқа саволларимга жавоб истаб, мен радио томон йўл олдим. “Наврўз”га кириб борар эканман, у ерда аллақачон иш бошланган (ёки кечадан бери тўхтамаган)лигига амин бўлдим. Бош муҳаррир Аброр Имомхўжаевни топгач, ўзимни таништирдим ва мақсадимни айтганимда улар яна бир кишини, радионинг продюссерини, Октябр Мўминовни таклиф қилдилар ва мени қизиқтирган барча саволларга жавоб беришларини айтдилар.

**— Аброр ака, айтинг-чи, нима учун радионинг номи айнан “Наврўз” деб аталди?**

— Ҳа, бу саволни кўп беришади. Нима учун бирор бир “оригинал” ном эмас-да, “Наврўз” деб. Тўғри, бунинг учун антиқа ва чиройли номлар бор, лекин бизга шу-у, халққа яқинроқ сўз бўлса-ю, катта бир маънони англатса, деган фикрда, “Наврўз” деб номладик.

**— Ҳаммамизга маълум, бирор ишни бошлаш учун аввало маблағ зарур бўлади...**

— Гапингиз тўғри. Бундай катта лойиҳани амалга ошириш учун яхшигина маблағ талаб этилади. Шуни айтишим лозимки, республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда “Наврўз” фирмаси радиомизнинг муассислари ҳисобланишади.

**— Энди радионинг фаолиятига тўхталсак...**

— Кўриб турибсиз, радиомизда доимо иш қизғин, 24 соат давомида, узлуксиз равишда эшиттиришлар бериб борамиз. Бунда ҳар бир эшиттиришимиз 7 дан 70 ёшгача бўлган барча инсонлар учун фойдали ва қизиқарли бўлишига ҳаракат қиламиз. Эрталаб болажонлар учун “Болалар дунёси” эшиттириши, “Кулги терапия”, “Мозийдан садо” кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, эшиттиришимизга нафақат журналистлар, балки у қайси соҳага оид бўлса, шу соҳа вакиллари таклиф этилади.

Шу ерда радионинг продюссери Октябр Мўминов қўшимча қилди:

— Агар эътибор берган бўлсангиз, кўпгина тижорат радиолари тунги эфир вақтларини шунчаки қўшиқни кетма-кет қўйиб (None Stop билан) ўтказадилар. Бизда эса тунги дастурларимизда тингловчиларимиз учун турли эшиттиришлар ёки бўлмаса улар билан бевосита мулоқот ўтказилди. Шунингдек, бизда ўзига хос ички қонун-қоидалар борки, бошловчиларимиз уларга тўлалигича риоя қиладилар. Масалан, ҳар бир бошловчининг муаллифлик эшиттириши мавжуд ва у ана шу дастурсиз эфирда қатнаша олмайди.

Кейин бошловчиларимиз танлов асосида эфир вақтига тақсимланадилар. Бу бизнинг ўзига хосликларимиздир.

**— Ташкил этилганига эндигина 2 ойдан ошган “Наврўз” радиосининг келажакдаги режалари ва ўз мухлисларига тилаклари...**

— Режаларимиз жуда ҳам катта. Хусусан, Туркия, Франция ва бошқа мамлакат элчихоналари билан биргаликда, яъни хорижий ҳамкорликда эшиттиришлар тайёрламоқчимиз.

“Наврўз” тингловчилари, “Ҳуррият” ўқувчиларига тилакларимиз қуйидагича: барчани Наврўзи олам билан чин дилдан қутлаймиз. Ҳаётда қаршингиздаги нигоҳлар доимо самимий, сизга нисбатан меҳрибон қаровчи инсонлар бўлсин. Аниқ биламизки, сизнинг дилингизда ҳали ҳеч ким билмайдиган яхшиликлар ва орзуларингиз бор. Улар олам кўрсин. Бизнинг қалбимиз шод, чунки сиз борсиз.

**ШОҲСАНАМ**

Асотир

# МОЗИЙДАН СЎЙЛАР АФСОНАЛАР...

*Афсона халқ оғзаки ижодининг энг кенг тарқалган жанрларидан бири ҳисобланади. Уларда юртимиз ўтмиши, аждодларимиз ҳаёти, ота-боболаримизнинг дунё, борлиқ ҳақидаги қарашлари, тасаввурлари мужассам. Машҳур юнон олими Арасту афсоналарни “ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялар” деб атаган. Чунки афсоналарга ҳар қанча хаёлот сингиб кетган бўлмасин, барибир улар қатида ҳақиқат учқунлари борлиги шубҳасиз. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган Наврўз, сумалак ҳақидаги афсоналар ҳам минг йиллар давомида тилдан-тилга кўчиб, бизнинг кунларимизга қадар етиб келган.*

### ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНГАН АЙЁМ

Бутун рўйи заминни сув босиб, тўфон бошланганида Нуҳ пайғамбар жами жонзотдан бир жуфтдан олиб, улкан кемасида сузиб юрган экан. Бир куни у ер юзида қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш учун қалдирғочни учириб юборибди. Бир маҳал қалдирғоч тумшуғида гиёҳ кўтариб учиб келибди. Бундан яқин орада ер борлиги, кўклам келгани маълум бўлибди. Нуҳ пайғамбар қалдирғоч кўрсатган томонга сузиб борибди-ю, сув ўртасидаги заминни кўрибди. Кемадаги барча жонзот ерга тушиб, тўфон заҳматидан қутулибдилар. Ер юзига тушган одамлар янги ҳаёт бошланган ўша кунни “янги кун” деб атабдилар ва уни байрам қилишга одатланибдилар. Наврўзнинг байрам сифатида нишонланиши ана шундан қолган экан.

### ОЛОВ КАШФ ЭТИЛГАН КУН

Айтишларича, шоҳ Жамшид бир куни Мозандарон ўрмонларида ов қилиб юраркан, иттифоқо, сеҳрли илонни кўриб қолибди. Ҳукмдор дарров камонини қўлига олиб, илонга қарата ўқ отибди. Илон харсанг тош остидаги коваккa кириб кўздан ғойиб бўлибди. Жамшид отган ўқ эса тошга тегибди ва тошдан учқун чиқибди. Учқун ён-атрофдаги қуруқ хас-хашаклар устига тушиб, ёна бошлабди. Эронликлар ўша дамгача олов нималигини билишмас экан, шу сабаб шоҳ ва унинг мулозимлари ўтни кўриб, мўъжиза рўй бергандек қотиб қолишибди. Ана шундан кейин Эрон аҳли Жамшид оловни кашф этган кунни байрам сифатида нишонлайдиган бўлибди. Мўъжиза рўй берган кун эса янги кун — Наврўз деб аталибди.

### НАВРЎЗНИНГ ВАСИЯТИ

Қадим замонда уч ака-ука яшаган экан. Каттасининг исми Қозоқ, ўртанчасиники Сузоқ, кенжасининг исми Наврўз экан. Уч оға-ини ҳалол меҳнат қилиб кун кўришаркан. Лекин кенжа ука — Наврўзнинг ичига чироқ ёқса ёришмас, еган-ичгани татимаскан, чунки акалари бола-чақали бўлиб ўзларидан тинчиб кетишган, Наврўз эса тирноққа зор бўлиб ўтаётган экан. Кунларнинг бирида Наврўз оғир дардга чалинибди. Дарди ой сайин оғирлашиб, бошини ёстиқдан кўтаролмай қолибди. Шунда Наврўз икки акасини ёнига чақириб:

— Оғаларим, мен дунёга келиб фарзанд кўрмадим, эркалаб суймадим. Энди бу ёлғончи дунёдан беному нишон ўтиб кетадиганга ўхшайман. Сизлардан ягона ўтинчим шуки, агар ўлсам, ҳар йили мен бандаликни бажо этган кун қабрим тепасига бориб, бола-чақангиз билан сайл қилиб, руҳимни йўқлаб, ҳақимга дуо қилиб туринглар! — деб васият қилибди.

Орадан кўп ўтмай, илк кўклам тонгида Наврўзнинг жони узилибди. Акалари биродарлари васиятига амал қилиб, ҳар йили баҳорда Наврўз вафот этган куни мозор бошига бориб, уни ёдга оладиган бўлишибди. Шу-шу Наврўз сайли келиб чиққан экан.

**С. САЛИМ тайёрлади.**

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Томоша

# БОШПАНАСИЗ ТЕАТРДА ЯНГИ СПЕКТАКЛ ҚЎЙИЛДИ

## ёхуд Аброрнинг қотили ким?

Инсонлар тақдири билан қизиқиш, улардаги ёмон феъл-атворларни даф этишга ёрдам бериш — ҳамманинг вазифаси. Бу ишни ҳар ким ўзидан бошламоғи лозим. Акс ҳолда, миллат таназзулга учраши муқаррар. Бутун жаҳонга тарқалган гиёҳвандлик, наркобизнес каби иллатлар ўзбек халқи ҳаётига ҳам хавф солаётгани ачинарли ҳол.

Бандаси Раҳмон йўлидан юрса, саодат топади, шайтонга эргашса, залолатга учрайди. Тўғри йўлдан озган, яъни гумроҳ бўлган инсондан эса ҳар нарсани кутса бўлади. Чунки у қилаётган ишини, гапираётган гапини билмайди. Ана шу билмаслик оқибатида нафақат ўзининг, балки ўнлаб-юзлаб одамларнинг хонавайрон бўлишига сабаб бўлади. Бу эса шайтоннинг олий орзуси. Шайтоннинг инсониятга очиқ душман эканлиги тўғрисида Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир неча оятлари орқали бизни огоҳлантиради. Шундай бўлса-да, уни ўзларига "дўст" тутадиганлар талайгина. Миллат номига доғ тушириб, эътиқодини поймол қилаётган бундай кимсалар зулмат сари илдамлаб кетаётганларини билсалар эди?!

Мавлоно Жалолиддин Румий айтадилар: "Одам алайҳиссаломнинг айтилган йўлдан юрмай, ғайри иродавий хатога йўл қўйиши унинг жаннатдан Ерга туширилишига сабаб бўлган эди. Ерда инсон наслининг кўпайиб, имтиҳонга солиниши ва бу имтиҳондан ўта олганларнинг қайтадан жаннатга кириши инсон учун бир шараф йўлидир. Лекин бу зафар ва шарафга эришиш учун Аллоҳ таоло инсонларни "нафс" дарси билан имтиҳон қилади. "Нафс" зафар ва шарафга эришиш йўлидаги энг қийин ва оғир тўсиқдир"...

Олимларимизнинг фикрича, нафс — шайтоннинг ҳамтовоғи. У инсонга худди ёш боладек ёпишиб, айтганларини қилишга мажбур этар экан. Ривоят қилишларича, Аллоҳ таоло нафсни яратиб, унга хитобан:

— Эй нафс, сен кимсан, Мен кимман? — дейди.

Нафс: — Сен Сенсан, мен менман, — деди.

Жаноби Ҳақ нафсга минг йил азоб берди. Сўнгра яна:

— Эй нафс, сен кимсан, мен кимман? — дея буюрди.

Нафс яна: — Сен Сенсан, мен менман, — деди.

Оламларнинг Рабби уни юз йил очлик билан азоблади.

Кейин ундан яна сўради:

— Сен кимсан, Мен кимман?

Нафс очликдан тарбияланиб: "Ё Раб! Мен Сенинг қулингман. Сен эса менинг Раббимсан!", деди.

Нафснинг ўжарлигини қарангки, токи тарбия кўрмагунча "мен"лигидан воз кечгиси келмайди. Аслида у "мен"лик ортида шайтоний орзу-ҳаваслар ётади. Нафс тарбияланмас экан, инсон ана шу орзу-ҳаваслар гирдобида қолиб ўзини маҳв этади. Охир-оқибат, қинғир йўлларга кириб қолганини ўзи ҳам билмай қолади.

Бу йўлларнинг нақадар ёвуз эканлигини ҳаётий мисоллар билан бирма-бир кўрсатиб, инсонларни огоҳликка чақиришда драматург Инобат Турсунованинг "Заҳарли томчи" номли пьесаси кишини анчайин ўйга толдиради. Уни республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳомийлиги ҳамда "Ўзбек тили маркази" муассислигида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Янгиобод" маҳалласи қошида ташкил этилган "Мерос" урф-одатлар театри ижодий жамоаси саҳналаштирган. Ушбу драма бир йилдан буён томошабинларга ҳавола этилмоқда. Яқинда эса Миллий академик драма театрида ҳам намойиш этилди. Абдулҳай Отахўжаев, Моҳидил Ниғматова, Бахтиёр Мусаев, Маҳкам Муҳсимов, Фарида Қурбонова, Пўлат Носировлар каби таниқли театр актёрлари томонидан маҳорат билан ижро этилган бу янги асар томошабинда яхши таассурот уйғотади.

Драмада "нафс"нинг турли йўлларига кириб кетган инсонларнинг аянчли тақдири очиб берилади. "Аллоҳ инсонни покиза қилиб яратган, ҳамма ёмонликлар кейин пайдо бўлади, — дейди Инобат опа. — Дунёда инсон яхшилик уруғини экавериши керак. Масалан, ўнта уруғ эксангиз, улардан биттаси кўкарса ҳам келажакда катта дарахт пайдо бўлади. Бири бўлмаса, иккинчиси албатта фойда беради. Шунга ўхшаб, инсонлар ҳам фақат яхшилик қилишлари тарафдориман. Ниятим — адашган инсонларнинг кўзини очиш, уларнинг вазифаси эзгулик, яхшилик эканлигини билдириш. "Обод маҳалла" йилида нафақат маҳаллаларимиз, балки инсонлар қалби ҳам обод бўлишини истайман". (Шуниси қизиқки, Инобат опа бу ишларидан ҳеч қандай моддий манфаат кўрмайди.)

Театрни томоша қилгач, жонкуяр опанинг ниятлари амалга ошганига амин бўласиз. Чунки театр ўша жирканч ҳаётни кўз олдингизда яққол намоён қилиб қўядики, ундан ҳам ҳазар қиласиз, ҳам Аллоҳга шукр қиласиз ўшандай йўллардан Ўзи асраганига.

Бу саҳна асарининг муваффақиятга эришувида республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев ва "Ўзбек тили маркази" директори, филология фанлари доктори, профессор Раъно Толиповаларнинг ғамхўрлиги, ташаббускорлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

> *• Инсонлар "нафс" дарси билан имтиҳон қилинади*
> *• ... акамми, отамми уриб, оёқларимни синдириб ташласа, рози эдим*
> *• Чингиз Айтматов асаридаги манқуртга айланиб қолганмиз*
> *• Ҳаёт — бешик ва тобут орасидаги бир йўл ва йўлчиликдир*

"Заҳарли томчи"нинг қаҳрамонлари — Аброр, Жамшид, Нилуфар, Гули, Рашид сингари ёшлар. Улар одамлар орасида ўзларини "ишбилармон"дек ақлли кўрсатадилар (масалан, Жамшид). Ваҳоланки, ақллари аллақачон гиёҳвандлик билан "дўст"лашган, усиз яшолмайдилар. Бундан ташқари, ўғрилик, зино, ичкилик каби ҳаром ишлар билан шуғулланадилар. Улар Нуриддинни ҳам сафларига тортади. Нуриддиннинг "иши"дан отаси ва акаси хабар топгач, унинг қўл-оёқларини синдириб ташлайдилар. "Нега Нуриддинни нашага ўргатдинг, нега наркоман қилиб қўйдинг?!" — дея унинг онаси Аброрнинг ёқасидан олади. Аброр ва унинг сафдошлари боши берк кўчага кириб қолганларини ўзлари ҳам биладилар, бироқ на илож, қолаверса, иродасизлик... Аброрнинг синглиси Зебо ақлли, фаросатли қиз. У акасининг аҳволига ачинади. Уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилади, лекин Аброрнинг ружуъ қўйган нарсаси Зебонинг хоҳишидан устун чиқади. Аброр ҳам бу ишнинг қабиҳлигини кейин тушуниб етади: "Қандоқ қийналаётганимни билсанг эди, Зебо. Нуриддинга ўхшаб акамми, отамми уриб, оёқларимни синдириб ташласа, рози эдим. Ўшанинг оғриғи билан чидаб ўтказардим. Ҳеч кимнинг бошига солмасин, дунёда ҳеч ким менга ўхшаб қолмасин... Мен касалман... Ташлайман девдим, кучим етмаяпти. Дўхтирнинг уколи ҳам фойда бермади. Ўйин деб, олифталик учун чекиб юриб, шу даражага тушиб қолдим-а". Ёки Нилуфарнинг: "Чингиз Айтматов асаридаги манқурт бор-ку, ўшанга айланиб қолганмиз. Ихтиёр йўқ бизда. Хотирамиздан жудо қилаётганлар аллақаерлардан бостириб келган душманлар эмас, ўзимизнинг одамлар. Шуниси алам қилади, Аброр..." Аброр: "Хафа бўлма, Нилу, тузалиб кетасан. Ҳаммаси яхши бўлади". Нилуфар: "Сен кимни алдаяпсан, менними ёки ўзингними? Тузалишнинг давоси битта — ўлим! Онангни, отангни, яқинларингни ўлдириб қўймасингдан олдин ўзингни йўқ қилишга куч топ!", деб кўксига муштлайди.

Оилада фарзандларга нисбатан бефарқлик, уларнинг тарбияси билан шуғулланмаслик ҳам сабаб. Масалан, Аброрнинг ота-онаси ажралишган, онаси — Фарида опа икки фарзандини ёлғиз ташлаб, ўзи чет элларда юриб савдо қилади. Кўзига мол-дунёдан бошқа ҳеч нарса кўринмайдиган бу аёл "сафар"дан қайтиб, Аброрнинг ўлими устидан чиқади. Ўғлидан жудо бўлган она фарёд кўтариб қанча зорланмасин — энди бефойда. Фарида опа ҳам хатосини кеч тушунади. Бунга чидолмай ақлдан озади.

Жамшиднинг онаси анча илгари вафот этган. Отаси Собит ака — милиция полковниги. Жамшид отасининг лавозимидан фойдаланган ҳолда наркобизнес билан шуғулланади. Бу бизнесни амалга ошириш учун унга "клиент"лар ёрдам беради. Ёрдамчиларни ёллаш Жамшид учун муаммо эмас. Негаки, у ўзининг шахсий барида мижозларига пивога наша солиб беради. У ана шу йўл билан ёш йигит-қизларни дардга мубтало этади.

Бахтиёр — ақли заиф, дудуқ йигит. Шундай бўлса-да, бадхулқ инсонларни бир қарашданоқ билади. У ҳаммага яхшилик қилгиси келади. Болаликдан бирга катта бўлган Аброрнинг ўлими гўдакдек маъсум Бахтиёрга таъсир қилиб, аччиқ-аччиқ йиғлайди. Театр охирида у дардини ҳайқириқ билан ўз тилида одамларга тушунтирмоқчи бўлиб, уларни огоҳликка даъват этади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, Аброрнинг қотили ким? Буни эса ҳар ким ўзи топгани маъқул.

Спектакл ҳар қандай инсонга таъсир қилмасдан қолмайди. Унинг таъсирчанлигини оширишда рассом Бобониёз Қурбонов, режиссёр Қаҳрамон Саъдуллаевларнинг хизматлари улкан. Асарни саҳнада жонлантириш ҳам катта маҳорат. Ролларни ижро этган ёшларни, умуман, "Мерос" театри жамоасининг бундай эзгу ишлари эътирофга лойиқ. "Заҳарли томчи" спектакли эса телеэкранларда ҳам намойиш этилса, яхши бўларди. Гиёҳвандлик ҳақида кўп гапирилади, бу ҳалокатнинг олдини олиш учун юқоридагидек асарлар жуда зарур. Зеро, Жалолиддин Румий айтганидек: "Ҳаёт бешик ва тобут орасидаги бир йўл ва йўлчиликдир. Дунё ҳаёти сўнгсизлик ичида бир совун кўпиги кабидир. Инсонлар идрок қилган ҳаёт нимадан иборатдир, деган саволга ернинг захи ва қабр тошларининг қаттиқлиги энг тўғри жавоб бўлур эди. Шундай экан, нафсоний орзулар ва вужуд йўлида ўтган умрнинг маъноси нима бўлур эди?..

Барчани ҳаёт сўнгида оловли гирдобга ташлайдиган ўлим бировлар учун мусибат, бировлар учун эса раҳматдир... Эй инсон! Мусо ҳам, фирьавн ҳам сенда мавжуддир. Бу икки ғанимни ўзингда излаб топ. Уларни ваҳийнинг нурида ёруғликка чиқарки, Мусо фирьавндан ғолиб келсин".

***P.S. Мана шундай истеъдодли театр жамоасининг ўз биноси йўқлигидан таажжубланасан. Бу ҳақда Инобат опадан сўраганимизда қуйидагиларни билдирдилар: "Театрда иқтидорли йигит-қизлар тўпланган. Бино йўқлигини рўкач қилиб, уларни тарқатиб юбориш ҳам яхши эмас. "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини Олий Мажлис биносининг рўпарасидаги ташландиқ ётган ерда фарзандларимиз учун "Маънавият ва маърифат маркази"ни қуриш истагида эди. Мана шу марказда "Мерос" театри учун ҳам жой қурилишига умид боғлаган эдик. Афсуски, шу кунгача қурилиш ишларига маблағимиз етарли бўлмагани ёки ҳомий йўқлиги сабабли мақсадимиз амалга ошмаяпти. Ҳозирги пайтда фаолият кўрсатаётган жойимиз "Хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари кенгаши" биносида (аввало ушбу бино раҳбариятига чексиз миннатдорчилигимизни айтмоқчиман) шароит қониқарли бўлмаса-да, имкон қадар томошаларимизни мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларига намойиш этиш ниятидамиз".***

***Биз "Мерос" театр жамоасига янги бино ва келажакда хайрли ижодлар тилаб қоламиз.***

**Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА**

Voice of America

# Америка овози

www voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

## «Америка овози»

*радиосини қисқа тўлқин — УКВ*
*17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;*
*20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,*
*шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда*
*ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

Гурунг

*Табиат уйғонаётган, ҳамал ойи эшик қоқиб турган шундай шукуҳли кунларда ҳамкасбимиз, сиёсий шарҳловчи Наврўз РИЗАЕВ билан ҳамсуҳбат бўлдик. Ҳар йили Наврўз байрами нишонланадиган кезлар Наврўз Ризаев учун қўшалоқ байрамга айланади. Сабаби, 21 мартда ҳамкасбимиз таваллуд топган. У киши билан бўлиб ўтган қисқача суҳбатимиз қуйидагича бўлди.*



# ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ МУБОРАК!

**— Авваламбор, Наврўзи олам муносабати ҳамда яқинлашиб келаётган туғилган кунингиз билан табриклаймиз.**

— Раҳмат.

**— Наврўз ака, таваллудингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Аслида 1969 йил 21 мартда туғилганман. Лекин баъзи бир сабабларга кўра ҳужжатларга "1969 йил 28 март" деб ёзилган. Менимча, ўша вақтларда миллий қадриятимиз бўлган Наврўз таъқиб остига олинганлиги туфайли шундай ўзгартирилган.

**— Мунажжимлар башоратига муносабатингиз.**

— Тўғриси, ҳозирги кунда бундай башоратлар болалаб кетди. Уларга мутлақо ишонмайман. Назаримда, улар тахминларга, асоси йўқ гапларга ўхшайди. Тасаввурлар тўплами, мавҳум тушунча, деб ҳисоблайман.

**— Қайси рангларни яхши кўрасиз?**

— Оқ ва яшил рангларни. Сабаби, оқ ранг поклик, софлик, ички гўзалликка интилиш, орзу ва хаёллар тозалиги, беғуборлик рамзидир. Яшил эса табиат, гўзаллик, хотиржамлик тимсоли ҳисобланади.

**— Хоббингиз ҳақида.**

— Бўш вақтларимда албатта волейбол ўйнашга ҳаракат қиламан. Кураш билан шуғулланаман. Курашнинг бухороча усули бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Умуман олганда, спорт билан шуғулланган одам кам бўлмайди.

**— Нима совға қилишни хоҳлардингиз?**

— Чинни буюмлар. Биласизми, менинг назаримда, чинни буюмлар ҳаётнинг бутунлигини, софлигини, шаффофлигини ёдга солиб туради.

**— Исмингиз тарихи ҳақида икки оғиз...**

— Дадам раҳматли мактабда 33 йил директорлик қилганлар. Адабиётдан дарс берардилар. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз билимдони эдилар. Яхши ниятлар билан Наврўз деб исм қўйган эканлар.

**— Инсонлардаги қайси хислатларни қадрлайсиз?**

— Одамлардаги тўғрисўзликни, ҳалолликни қадрлайман. Дўст дўстни сотмаса, мард бўлса. Беғубор, соддадил инсонларни ҳурмат қиламан.

**— Аксинча, инсонлардаги қусурлар ҳақида нима дейсиз?**

— Мунофиқ, хоин, иккиюзламачи одамлардан узоқроқ юришга ҳаракат қиламан. Дўстингман деб сотиб кетганларни асло кечиролмайман.

**— Сал ноанъанавийроқ савол. Шўрвани нимасидан бошлаб ейсиз?**

— (кулади). Аввал гўштини, кейин картошкаси, суви дегандай...

**— Баҳор таомларидан хуш кўрганларингиз?**

— Кўк сомса, пичак.

**— Байрам олдидан халқимизга, "Ҳуррият" мухлисларига тилакларингиз...**

— Наврўз қадимий ва азалий байрамимиз сифатида мана 12 йилдирки қайта тикланди. Биз унинг шукуҳидан, Худога шукрки, баҳраманд-миз. Истардимки, Наврўзни тиклаган, бағримизга қайтарган давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йўлдаги машаққатли хизматлари ва бу қутлуғ байрам тантаналари бир умр эсдан чиқмасин. Чунки бу кун биз учун ғоятда қадрли. Бу эзгу ишлар таҳсинга сазовор ва умримизнинг маъно-мазмуни десам хато бўлмас. Наврўз қутлуғ бўлсин!

**Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ суҳбатлашди**

Назм

## Навбаҳор

*Яна келди кўркам навбаҳор*
*Булбулларнинг гурунгин олиб,*
*Тол кокилин сийпалаб анҳор*
*Кўнгилларга эзгулик солиб.*

*Яна келди буюк анжуман —*
*Алёр айтар бугун бор олам,*
*Шоирлар ҳам ажиб таржимон,*
*Шеъриятда баҳор мужассам.*

*Яна келди улуғ тантана —*
*Чечакларда уйғониш шавқи,*
*Муҳаббатга йўғрилган сана,*
*Гул ва ҳаёт бирлигин завқи.*



*Хуш келибсан, гўзал навбаҳор!*

**Ҳамид АБДУРАЙИМОВ**

# ҲИКМАТЛАР

*Ахлоқнинг асоси иймонга боғлиқдир. Иймонсизнинг ахлоқи бўлмайди.*

* * *

*Ҳақиқий нур иймондир. Ҳақиқий нурни топган ҳақиқатни кўради, ҳақиқатни эшитади.*

* * *

*Энг аввал маънавий борлиғингни тикла. Акс ҳолда бу дунёга ўлик ҳолда келиб, ўлик ҳолда кетасан.*

* * *

*Ҳақиқий эътиқод ҳақиқатга элтади. Асоссиз эътиқод эса инсонларни нотўғри йўлга бошлайди. Сен ҳақиқий эътиқодга талабгор бўл.*

* * *

*Нурга етишган қоронғиликдан халос бўлганидек, иймонга эришган ҳам сохталикдан қутулади.*

* * *

*Инсон учун ҳар қандай мағлубият бир тажрибадир. Мағлубиятлардан сабоқ олганлар келажакда ғалабаларни қўлга киритадилар.*

* * *

*Жаҳолатни илм билан йўқ қилишга ҳаракат этинг. Ҳар бир ишни илм билан ҳал қилинглар.*

* * *

*Эй инсон! Аллоҳнинг бандаларини ранжитмаслик ва улардан хафа бўлмасликни шиор қилиб олсанг, ўз нафсингни енгган ва комиллик сари одимлаган бўласан.*

* * *

*Инсонийлик шафқат ва марҳамат билан бошланади ва ниҳоясига етади. Инсонийликнинг асли шафқат ва марҳаматдир.*

* * *

*Эй инсон!.. Сенга лозим бўлган ишларнинг энг муҳими вақтингни бўш ўтказмаслигингдир. Доимо вақтингни энг хайрли ишларга сарфла.*

* * *

*Солиҳ киши яхшиликдан завқланганидек, золим ёмонликдан завқланади.*

**ЛОЛАХОН тайёрлади**



**Наврўз тоғлардан бошланади.**

Далил

# УМАР ХАЙЁМ ТАҚВИМИГА КИРГАН КУН

Наврўз (форсча сўз бўлиб, янги кун дегани) қуёш (шамсий) тақвими бўйича янги йил кирган (ҳозирги йил ҳисобида 21 март) кунни бундан минглаб йиллар аввал ҳам Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр) ҳамда Ўрта Шарқ ҳудудларида яшаётган аждодларимиз баҳор байрами сифатида нишонлаганлар. Бу кун янги йилнинг биринчи куни, кеча ва кундуз тенглашадиган вақт, баҳор фаслининг бошланиши ҳисобланган. Наврўз сайли 3-4 кун давом этган. Наврўзда барча хурсанд, ўйин-кулги, халқ санъати усталарининг чиқишлари, дорбозлар, улоқ (кўпкари), кураш каби мусобақалар ўтказилиб, 12-15 пудли чўян дошқозонларда ош дамланиб, сумалаклар қилиниб, турли кўкатлардан ўта мазали хушбўй сомса, чучвара каби тансиқ таомлар пиширилган, ўртада ҳамжиҳатлик билан баҳам кўришган.

Наврўзнинг айнан 21 март куни нишонланиши Малик шоҳ (1072-1092 йиллар) ҳукмдорлиги даврида буюк олим Умар Хайём томонидан 1079 йил ишлаб чиқилган тақвимга киритилган. Бу тўғрида буюк шоирнинг "Наврўзнома" асарида батафсил ёзилган. Биз Умар Хайёмни фақат шоир сифатида биламиз. У машҳур астроном, математика, физика ва бошқа табиий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган классик олимдир. Тарих манбаларидан маълум бўлишича, Наврўзда ҳамда кейинги кунларда камбағал, бева-бечораларга моддий ёрдам берилиб, етим ўғил болаларни суннат тўйларини ўтказганлар. Барча дала ишлари ҳамжиҳатликда, ўзаро ёрдамлашув асосида бажарилган. Мустақиллик шарофати билан республикамизнинг барча ҳудудларида Наврўз жуда ҳам кенг кўламда байрам қилинадиган бўлди.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

*Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:* **Исмат ХУДОЁРОВ**

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72, 41-49-91.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 250
Адади: 3809

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.

Газетамизнинг навбатдаги сони 2 апрель куни чиқади.